O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 22-iyun, chorshanba ● № 25-26 (726) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

САМАРҚАНД: меҳрдан сайқал топган диёр

Самарқанд деганда, тасаввуримизда дунёнинг энг кўҳна, қадимий тарихи ва шу тарихнинг бетакрор, ҳар қандай одамнинг ҳам қалбини ўзига ром этиб, умрбод мафтун қилиб қўядиган буюк намояндалар сиймоси, мовий гумбазлар, муаззам миноралар ва ўлмас обидалар жонланади.

Бу муқаддас заминда Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Мир Сайиид Барака, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам каби улуғ алломалар ва азиз-авлиёлар мангу ором топган.

Самарқанд деганда, миллий давлатчилигимиз тамал тошини қўйган, юртимизни турли офатбалолардан асраб келган Алп Эртўнга, Спитамен, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо, Абдумалик Тўра сингари мард ва жасур аждодларимиз сиймоси кўз ўнгимизга келади.

Ислом КАРИМОВ



Самарқанд. Бу қадим маскан номи дунё тамаддунида аллақачон Ватанимизнинг муқаддас рамзларидан бирига айланган. Тарихий манбаларда уни милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида Суғдиёнадаги Зарафшон дарёси бўйларида зироатчилик маркази шаклида пайдо бўлган, деб эсланади. Унинг бағридан топилган янги-янги топилмалар эса ҳали-ҳануз инсон ақлини лол қолдириб келмоқда. Мана, 2750 йилдан ошаяптики, ҳаёт бу муборак заминда зилол чашма каби қайнайди.

Самарқанд Буюк ипак йўлида жойлашгани боис қадимдан мамлакатлар раҳбарларининг музокара, мунозара ўтказадиган даргоҳга айланган. Бу ерда эзгу режалар тузишда, яратувчанлик, бунёдкорлик ишларини амалга оширишда катта тажрибалар тўпланган.

Унинг тупроғига қадам қўйган ҳар бир инсоннинг қулоғига дастлаб бир оромижон сас чалинади. Тингланг:

— Нон, нон, нон...

— Нон, нон, нон...

Асрлар давомида шундай! Бу юрт одамлари шу азиз тупроққа қадами теккан инсон борки, истиқболига қўлида нон билан пешвоз чиқади. Демакки, меҳр улашади, тинчлик, хотиржамлик, ором тилайди. Чунки, аллома Самарқандннинг шу кунгача кўзига тўтиё қилгани, аҳли оламга раво кўргани шу — ҳалол меҳнат, яратувчанлик, меҳр-оқибат, беминнат ризқу рўз улашиш, тинчлик, осойишталик бўлди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг меҳри тушган ва у тузган буюк салтанатнинг пойтахти — Самарқанд!

Бу азиз гўшани маҳв этмоқчи бўлган ҳукмдорлар, қиличини қайраб келган жангу жадал соҳиблари кўп бўлган. Пайғамбарлар назарида улуғланган Самарқандни ҳамиша Яратганнинг ўзи бало-офатлардан сақлаб келаётгани рост бўлсин.

Миноралари каби адл, улуғвор ва муқаддас замин — Самарқанд!

Бутун оламни ўзига маҳлиё этиб келаётган бу муаззам юрт мамлакатимиз мустақиллигининг йигирманчи йилида ҳам ўз ўтмишини, бугуни ва келажагини бирдек намоён этиб турибди. Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси, шижоати билан шаҳарда кўҳна қадриятларимиз, ота-боболаримиз қолдирган ўлмас меросни асраб-авайлаш, тарғиб этиш борасида кенг қамровли ишлар ҳамда унинг қиёфасини тубдан ўзгартиришга, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган катта кўламдаги ободончилик, бунёдкорлик юмушлари амалга оширилди. Хусусан, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Мир Сайиид Барака, Хожа Аҳрор Валий, Махдуми Аъзам каби улуғ алломалар ва азиз авлиёларнинг муборак номлари, ёдгорликлари қайта тикланди, муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди.

3 »

АНА КОМПЬЮТЕРУ, МАНА КОМПЬЮТЕР!



5-бет

Япониянинг Кобе шаҳридаги Физика ва кимё тадқиқотлари институти қошидаги «Fujutsu» компаниясида ишлаб чиқарилган ушбу компьютер ақлбовар қилмас даражада тез ишлайди. Аниқроғи, бир сонияда 8,2 квадриллион операцияни бажара олади. Бу унинг Хитой миллий суперкомпьютер марказининг «ақлли машина»ларидан икки баробар «ақллироқ» эканидан далолат беради.

ЮРАККА ҚАДАЛГАН БАЙРОҚ



10-бет

— Қанийди, сенга Ўзбекистоннинг сурати чизилган юрагимни очиб кўрсатишнинг иложи бўлса эди. Юрагимдаги экзотикани кўргач, манави томошаларга қизиқмай қўярмидинг? — дердим.

ЖАҚАНДАҚ — ЧОТҚОЛ МАРВАРИДИ



12-бет

Келинг, жаннатмакон гўшаларимизни, улардаги ноёб наботот ва ҳайвонот оламини кўз қорачиғидек асрайлик. Ичимлик сувини тежайлик. Шаҳар ва қишлоқларимизни бўстонга айлантирадиган асосий манба ҳам обиҳаётдир. Яшиллик оламининг озуқаси ҳам сув. Шундай экан, сувга чиқинди ташлашдан, уни исроф қилишдан сақланайлик!

✓ Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

Инсон ҳуқуқлари ва Миллий ҳаракат дастури

Айни пайтда юртимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди каби 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар самарали фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази ҳамда 10 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари юртимизда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим вазифаларни бажармоқда.

Инсон ҳуқуқларига тегишли қонунчилик ҳам жадал такомиллашаётгани диққатга сазовор. Хусусан, давлат ва жамиятни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани фикримиз тасдиғидир. Юртбошимиз томонидан Концепцияда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш таклифининг илгари сурилгани ва бу давлатчилигимиз ривожланишини янги босқичга олиб чиқишда, фуқаролик жамиятини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ижросига бевосита боғлиқ бўлган мазкур Миллий ҳаракат дастури, ўз навбатида, Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонининг мантиқий давоми бўлиб, бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий ҳуқуқий тизимда тўла қўлланилишини ҳам таъминлайди.

2 »

✓ Тадбир

Халқимизда тани соғлик — туман бойлик деган нақл бежизга айтилмаган. Зотан, соғлом инсон хотиржам меҳнат қилади, ишида унум бўлади. Шу маънода истиқлол йилларида юртимизда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва салмоқли натижаларга эришилди.

Тани соғлик — туман бойлик

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида ана шу масала хусусида сўз юритилди.

— Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг туб негизини ташкил этади, — деди республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари С.Сайдалиев. — Шу боис, истиқлол йилларида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда соҳада янги — шошилинч тиббий хизмат тизимини ташкил қилиш, кадрлар тайёрлаш ва фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Биргина бирламчи бўғин — ҚВПларнинг замонавий тиббий муассаса сифатида шаклланаётгани ҳам соҳа ривожидан далолат беради. Ўтган давр ичида ҚВПлар фақат «Саломатлик — 2» лойиҳаси доирасида 11 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

2 »

✓ Инновацион технологиялар

Бетимсол энергия манбаи

Табиий бойликларга эга бўлган Ўзбекистон дунёдаги энергия мустақиллигига эга саноқли давлатлардан бири ҳисобланади. Аммо бундан салкам йигирма беш йил муқаддам шўро ҳукуматининг бир ёқлама сиёсати боис юзага келган энергетик тақчиллик туфайли мамлакатимиз қийин бир вазиятда қолгани, ёқилғи ресурслари кимларнингдир қовоқтумшуғига қараб тақсимланган ҳозир кўпчиликнинг ёдида ҳам бўлмаса керак. Ҳа, бугун аллақачон кечмишга айланган ўша кезлари, айниқса, мамлакатимиз эндигина мустақилликка эришган даврда, узоқни кўзлаб иш тутишга тўғри келди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан кетма-кет Кўкдумалоқ нефть-газконденсат кони ўзлаштирилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш ва Муборак газни қайта ишлаш заводларида таркибида олтингугурт бўлган газни тозалаш бўйича ишлаб чиқариш объектлари, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясида энергия блоклари барпо этилди. Табиий газ олиш 30 фоиздан кўпроқ, нефт қазиб чиқариш эса уч баробарга ошиши натижасида, 1996 йилда Ўзбекистон четдан ёқилғи ресурсларини олиб келишни бутунлай тўхтатди. Истиқлолнинг тарих олдида жуда қисқа муддат — илк беш йиллигидаёқ энергия мустақиллигига эришилгани бугун айтишгагина осон сўзлар холос. Ваҳолангки, унинг ортида улкан жасорат, соҳа ходимларининг заҳматли ва фидокорона меҳнати ётибди. Ахир социализм назариётчилари томонидан тамбалаб ташланган истиқбол эшигининг калити — иқтисодиётнинг йирик тармоқларидан тортиб, хонадонларимиз чароғонлигигача бўлган барча соҳалар айнан энергетика тизими билан узвий боғлиқ эди-да.



2 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Инсон ҳуқуқлари ва Миллий ҳаракат дастури

(Бошланиши 1-бетда.)

Ва бу мамлакатимиз томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларнинг изчил ва қатъий бажариб келаётганининг амалдаги исботи бўла олади.

Дастур Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тегишли конвенциявий органларига мамлакатимиз тақдим этадиган миллий маърузаларга қўйиладиган талабларга ҳам мос келади. Чунки БМТнинг тавсияларини бажаришда иштирок этадиган давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бевосита фуқаролар Миллий ҳаракат дастурига киритиладиган чора-тадбирларни амалга оширишда ҳам қатнашадилар. Мисол учун, ҳозирги кунда аёллар ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалаларида мамлакатимиз томонидан БМТнинг тегишли қўмиталарига даврий равишда миллий маърузалар тақдим этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги фаолиятида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги тўғрисидаги конституциявий қоида устувор. Вазирлик таркибида инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан шуғулланадиган алоҳида таркибий бўлинмалар мавжуд. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармаси вазирликнинг мазкур соҳадаги вазифаларини бажаришади. Инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларини доимий равишда таҳлил қилиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчилик тизимига жорий қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вазифалари шулар жумласидандир. Миллий ҳаракат дастурининг қабул қилиниши эса адлия органларига инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатини самарали бажарилиши учун муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, Миллий ҳаракат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши Бош прокуратура ва прокуратуранинг жойлардаги органлари фаолиятига катта таъсир кўрсатади, уларнинг қонун олдидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Концепция инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ваколати билан чекланмасдан, ушбу соҳага оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ҳам кўзда тутади. Шу нуқтаи назардан, ишлаб чиқиладиган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий ҳаракат дастури инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида жамиятимиз, давлатимиз ва халқаро жамиятнинг манфаатларини мужассамлаштирувчи ўзига хос концептуал жиҳатдан мукаммал сиёсий-ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

Ф.САФАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Бетимсол энергия манбаи

(Бошланиши 1-бетда.)



Маълумотларга қараганда, бугун дунёда кунига миллионлаб тонна нефт, газ, уран ва бошқа энергиянинг табиий манбалари қазиб олиняпти. Агар биргина «қора олтин»нинг пайдо бўлиши учун 100 миллион йил кераклигини ҳисобга олсак, мавжуд ресурслар XXI асрдаёқ тугаш эҳтимоли жуда юқори. Аммо унутмаслик керакки, ҳавони ифлослантиришнинг 80 фоиздан кўпроғи айнан шу энергетика соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Демак, атроф-муҳитга етказилаётган зарар миқдори жуда катта. Шу боис дунё ҳамжамияти бугун қайта тикланувчи энергия манбаларига нажот кўзи билан қарамоқда. Бундай манбаларга қуёш, шамол, сув ресурслари, геотермал манбалар, саноат, маиший ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан олинадиган биогазлар киради. Улар орасида, айниқса, шамол энергияси энг арзон ва самаралилиги билан ажралиб туради.

Аслида қадим замонлардаёқ ота-боболаримиз битмас-туганмас ҳаво оқимидан — шамолнинг кучидан унумли фойдаланиб келишган. Шамол мунтазам эсиб турадиган ҳудудларда чархпалаклар қурилиб, унинг ёрдамида сув чиқарилган, тегирмонлар юргизилган. Тарихий манбалар милоддан аввалги II асрдаёқ илк шамол тегирмонлари барпо этилгани ҳақида гувоҳлик беради. Электр токи ишлаб чиқаришга мўлжалланган шамол электр станциялари (ШЭС) эса биринчи марта 1890 йили Данияда бунёд этилган.

Бугун шамол ва унинг қудратли кучидан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш анча оммалашган. Замонавий шамол электр станциялари 5 м/с. дан 25 м/с.гача бўлган тезликдаги шамол муҳити, рельефи нисбатан баланд бўлмаган жойларда жуда самарали ишлайди. Ана шундай табиий муҳитда жойлашган Германия ҳозир бу борада етакчилик қилмоқда. 2020 йилга бориб, бу ерда 20 фоиз электр энергияси ШЭСлардан олиниши режалаштирилган. Шунингдек, Англия, Канада, Япония, Испания каби давлатларда ҳам бу борада изчил изланишлар олиб бориляпти. Умуман олганда, Халқаро энергетика агентлиги тахминларига кўра, 2030 йилга бориб сайёрамизда шамол энергиясига бўлган эҳтиёж қарийб 5000 гигаваттни ташкил этади.

Қолаверса, мазкур муқобил энергия тури мавжуд табиий ресурсларни тежашдан ташқари, экология мусаффолиги билан ҳам аҳамиятлидир. Масалан, 1 МВт қувватли ШЭС 10 йил давомида 15 минг тонна кўмир, 45 минг баррель нефтни тежаши мумкин. Бундан ташқари, атмосферага карбонат ангидрид, сульфат оксиди, азот оксидиларини умуман чиқармайди. Бир сўз билан айтганда, жуда фойдали бўлиши баробарида мутлақо безарар ҳамдир. Шу боис кўплаб мамлакатларда ШЭСлар барпо этишга давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралмоқда. Жумладан, яқинда оммавий ахборот воситалари Болтиқ денгизида бунёд этилган «Балтика-1» номли шамол парки фойдаланишга топширилгани ҳақида хабар тарқатди. Ушбу шамол парки 21 та шамол генераторидан иборат бўлиб, ҳар бирининг баландлиги 160 метрга етади. Шамол парракларининг диаметри эса 93 метр. «Балтика-1» соатига 185 гигаватт электр энергия ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу бирданига 50 минг уй-жой энергия билан таъминланади, деганидир. Мана сизга шамол энергиясининг салоҳияти ва имконияти.

Хўш, бугун энергия манбаларига талаб кучаётган бир пайтда бизнинг мамлакатимизда мазкур тизимни ривожлантиришнинг истиқболлари қандай? Мутахассислар томонидан юртимизда шамол энергиясининг ялпи потенциали 2,2 миллион тонна нефть эквивалентига тенг деб баҳоланган. Аммо бунда алоҳида ҳудудлардаги, жумладан — Устюрт ва Бекобод шамол энергияси имконияти тўла ҳисобга олинмаган. Қолаверса, бу кўрсаткич 5-8 метр баландликда ҳисобланган. Аслида эса 25-100 метрда аниқланиши керак. Умуман, республикамизда доимий шамол эсиб турадиган очиқ ҳудудларнинг кўплиги бу борада умидбахш хаёллар уйғотади.

Шамол энергиясидан ёритиш, теле ва радио, алоқа асбобларини ишлатиш, сув тортиб чиқариш, иситиш ва бошқа кўплаб мақсадларда фойдаланиш мумкин. Мамлакатимизда, хусусан, Оролбўйи каби экологик ночор ҳудудларда яшовчи аҳолини, шунингдек, электр энергияси, табиий газ, иссиқ сув таъминотидан узоқда жойлашган, ичимлик суви билан таъминланмаган, чўл, саҳро, тоғ ҳудудларидаги масканларни электр энергияси, иссиқлик ва ичимлик суви билан таъминлашда шамол энергиясидан фойдаланиш яхши самара беради.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Навоий ва Бухоро вилоятларида бир қанча шамол энергияси билан ишловчи генераторлар ишлатилиб, бу борада тажриба тўпланганди. Истиқлол берган имкониятлар ҳамда Юртбошимизнинг эътибори туфайли эндиликда соҳа жадал ривожланмоқда. Масалан, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва Кореянинг «Doojin co. ltd» компанияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув омбори ҳудудида қурилган 40 метрга тенг анемометрик мачта йилига қўшимча 2,3 миллион киловатт-соат ҳажмда электр энергияси ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Бу йилига 700 минг куб метр табиий газ тежаб қолиняпти, деганидир. Шунингдек, Қорақалпоғистондаги парранда фабрикасида ўрнатилган шамол қурилмаси хусусида ҳам ана шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қошида 2005 йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Эко-энергия» илмий-тадбиқий Маркази ҳам тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда ШЭСларни қуришда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Хусусан, кейинги йилларда жойларга аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва суғориш учун сув таъминотини яхшилаш мақсадида шамол генераторлари етказиб берилди.

— Яқинда Навоий вилояти Қизилтепа туманининг чўл ҳудудидаги бўрдоқичилик фермасида объектни электр энергияси билан таъминловчи ва қудуқдан сув тортиб берувчи қурилма ўрнатилиб, ишга туширилди, — дейди марказ директори Мажид Хўжаев. — Одамларнинг ичимлик суви ва электр энергиясига бўлган талабини қондиришдан ташқари, саҳро бағрида дарахтлар, турли ўсимликлар экиб, кишининг баҳри дилини очадиган боғ барпо этишда ҳам бу қурилманинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда.

Кўриниб турибдики, шамолнинг безавол ва экологик зарарсиз кучидан фойдаланиш ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан катта фойда келтиради, аҳоли турмуши фаровонлигига хизмат қилади. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг юқори салоҳиятли қайта тикланадиган энергия манбаларидан тўлиқ фойдаланилса, атмосфера ҳавосига чиқариладиган 450 миллион тоннага яқин ис газининг (углерод икки оксиди) бартараф қилинишига эришиш мумкин. Шундай экан соҳани янада тараққий эттириш, бу борадаги изланишларни қўллаб-қувватлаш бугун вазиятнинг ўзи тақозо этиб турган масалалардан, десак янглишмаймиз.

Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

Тани соғлик — туман бойлик

(Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, тизимда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг 12 та филиали ҳамда 173 та бўлими фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, ўнлаб республика ихтисослаштирилган марказлари ташкил этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизими яратилгани шу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда Президентимиз томонидан 2009 йилда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, айниқса, муҳим аҳамият касб этди.

Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил қилиниб, уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу билан бирга, перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланиб, ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал маркази иш бошлади.

Президентимизнинг 2007 йил ноябр ойида эълон қилинган «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори фармацевтика соҳасидаги ислоҳотлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Шу ўринда қиёслаш учун бир далил: мустақилликкача бўлган даврда мамлакатимизда учта корхона томонидан саноқли дори воситалари ва тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир фармацевтика ва тиббий воситалар ишлаб чиқариш корхоналари сони 120 тага етди. Улар томонидан 1200 га яқин дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА

Ажаб савдолар

Муттаҳам ку«ёв»

Ҳаммаси ўтган йили март ойида «Тошкент — Бухоро» йўналиши бўйича кетаётган автобусда бошланган эди. Шерзод бухоролик қиз Зулфизар билан айни ўша автобусда танишганди-да...

Ўшанда Шерзод Самарқанд шаҳрида туғилганлигини, Бульвар кўчаси 3-уйда яшашини, ҳозир Россияда тижорат билан шуғулланишини, тирикчилик деб уйланиш ҳам чўзилиб кетганини айтиб, қизни бу гапларга астойдил ишонтиришга ҳаракат қилди. Унинг ўлжани кўрганда илондай авраш «санъати» иш берди. Манзилига етмаёқ Зулфизарнинг кўнглини олиб улгурди ҳам. Хуллас, «тўй»га ҳаракат бошланди.

Қиз бўлган воқеадан онасини хабардор қилди. Шунда Муҳтарам опанинг юрагини қандайдир хавотир тирнаб ўтди. Чунки турмуш ўртоғи хорижда ишлайман деб кетгач, орадан кўп ўтмай унинг ўлими ҳақида хабар келган, майитни Бухорога олиб келиш учун анча-мунча харажат қилишган, қарздор бўлиб қолишган эди. Қарзни тўлаш учун ўзлари яшаб турган уйни 16500 АҚШ долларига сотиб, уй-жойга муҳтож бўлиб турганларида бу савдони ҳам пишитиш ошиқча юк эди. Бўлажак «куёви» ҳам Россияда ишласа, тағин яна бирор фалокат рўй бермасайди, дея қайғурарди она шўрлик.

— Қизим, йигитнинг кимлигини суриштирайлик, — деди онаизор хавотири босилмай. — Ҳарқалай, умр савдоси. Бунинг устига, шароитимизни ҳам кўриб турибсан. Тағин, бу йигит шайтонга қўл берган найрангбозлардан бўлиб чиқмасин...

Бу орада оила Пиридастгир кўчаси, 9/6 уйдаги 8-хонадонни 13500 АҚШ долларига сотиб олишди. Бироқ ҳужжатлардаги камчиликлар боис уйни расмийлаштиришнинг иложи бўлмади.

Орадан тўрт-беш кун ўтгач Шерзод Муҳтарам опанинг хонадонида пайдо бўлди.

— Қизингизни ёқтириб қолганман, уйланмоқчиман, — деб дангалига кўчди у.

— Аҳдингиз қатъий бўлса, таомилга кўра аввал совчилар, ота-онангиз келишсин, — жавоб қайтарди бўлажак «қайнона» ноилож бўшашиб. — Тақдирларингиз қўшилган бўлса, ниятингиз илло ижобат бўлар.

Қайнона-куёв суҳбатидан сўнг Зулфизар ҳурмат юзасидан меҳмонга Бухоро шаҳрининг қадимий обидаларини томоша қилдирди.

Шундан кейин учар «куёв» Бухорога бўзчининг мокисидек тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди. Ҳатто ўтган йилнинг 4 апрелида Шерзод Зулфизар билан сингилларини Самарқандни томоша қилдиргани олиб кетди. Улар шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари жойлашган майдонларда сайр қилишаркан, Зулфизарнинг қўнглидан «Узоқдан бўлса ҳам Бульвар кўчасидаги «келин»лик уйимни бир бор кўрсам эди» деган ўй кечди. У ниятини Шерзодга ошкор этганида «куёв бола» негадир саросимага тушди. Сири — Нурота туманида яшаши, оиласи ва бир нафар фарзанди борлиги ошкор бўлиб қолишидан чўчиди. Аммо гапга чечанлиги қўл келиб, вазиятни юмшатишга эришди: «Уйни кўриш қочиб кетмас. Келин бўлиб келганда албатта кўрасиз. Онангизга эса «келинлик уйим» кўп хушманзара, обод жойда жойлашган экан, деб мақтаб қўйиш мушкул эмасдир».

Бу пайтда Зулфизарларнинг уй можаросига ҳали нуқта қўйилмаганди. Муаммо ҳал бўлавермагач, Муҳсин Қодиров (ҳужжатсиз уйнинг эгаси) «Ласетти» машинасини сотгач, пулни қайтаришга ваъда қилди. Муҳтарам опанинг хаёлига эса бўлажак куёви машина олиш ниятида юргани келди. Унга қўнғироқ қилиб, бор гапни айтди. «Куёв» ҳам кўп куттирмади: шу куниёқ Бухорога етиб келиб, машинани кўришга ҳам улгурди.



Ҳамма гапдан бохабар Шерзод машина соҳибини аврашга тушди:

— Сизда Муҳтарам опанинг 13500 АҚШ доллари бор. 11 мингини ўзингизда қолдириб, қолганини опага қайтаринг. Машинани менинг номимга расмийлаштириб берасиз, у ёғини опа билан ҳисоб-китоб қилиб олаверамиз.

Муҳсин аканинг кўнгли сезди чоғи, унинг гапларига ишонмади ва машинани сотмаслигини айтди. Орадан бироз вақт ўтиб, машинасини бошқа бировга сотиб, қарзини узди.

«Қайнона»синнинг «долларли тўкис» бўлганини эшитган «куёв»нинг нафси ҳакалак отиб, ороми бузилди. Ўзича пулларни қўлга киритиш режасини тузди ва «қайдасан Бухоро» дея яна йўлга отланди.

Манзилга етиб келгач, қўлини кўксига қўйиб «қайнонаси»ни «эрита» бошлади:

— Опажон, суюнчи беринг. Машина оляпман! Уни расмийлаштириш учун отам нотариал идорада кутиб ўтирибди. Менга 11000 «кўки»дан бериб турсангиз ишим осонгина битади. Уч кундан сўнг «кўкат»ларингизни қайтараман. Қизингизнинг бахти учун йигитчасига сўз бераман.

— Йигитнинг сазаси сингунча, шайтоннинг бўйни узилсин, — «бўлажак қайнона» ҳам бўш келмади. — Қўлимиздаги пулга уй олмоқчи эдик. Тез қайтарсангиз бўлди.

— Қасам ичишга мажбур қилманг, — учар «куёв» «қайнона»сини ийдираётганидан ҳузур қилиб кўзларида қувонч учқунларини «порлатди». — Ҳаром ишлардан ҳазар қиламан.

Шу топда Шерзод Алдаркўсага рўпара келганида ҳам деворни суятиб кетарди. Нафс балосига гирифтор бўлган бу нусха онаси тенги, бола-чақа ташвишида ўзи кўмакка зор бўлиб турган аёлни ҳам аяб ўтирмади.

Соддалик қурсин, «қайнона» ҳам «куёви»нинг алдовларига чиппа-чин ишониб, пулларини унга қўшқўллаб топширди...

«Куёв» изсиз ғойиб бўлгач, алданган Бойбўтаевалар ҳуқуқ-тартибот идорасига мурожаат қилишди. Олиб борилган тезкор жиноят қидирув тадбирлари натижасида 2010 йилнинг сентябрида «куёв бола» тузоққа илинди. Энди унинг ҳолига майимунлар зор-зор йиғлайдиган бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг ҳукми билан Шерзод Жамоловга қилмишига яраша жазо тайинланди. Етказилган моддий зарар тўлиқ қопланди.

Эндигина ўттиз ёшга қадам қўйган Шерзод ўз номига муносиб иш қилмади. Унинг бу фирибгарлиги биринчиси эмасди. У аввал ҳам тўрт марта суднинг қора курсисига ўтиришга улгурган эди. Илгариги аччиқ қисмати, хатолари унга сабоқ бўлмади. Бу гал у эгнига куёв либосини кийиб тўйхона тўрида эмас, узоқ вақт қамоқхонада ўтирадиган бўлди.

Отабек ТОШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди раиси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

САМАРҚАНД: меҳрдан сайқал топган диёр



(Бошланиши 1-бетда.)

Меъморчилик, ҳунармандчилик, тасвирий санъат ривожига кенг йўл очилди. Ҳар қадамда — хиёбону боғларда, маҳаллаю кўчаларда қурилиш-ободонлаштириш ишлари авж олди. Таъкидлаганимиздек, ўтган йили ана шундай улуғ ва хайрли ишлар бутун шаҳар бўйлаб давом эттирилди. Йўллар кенгайтирилди, маданий-маиший, ижтимоий аҳамиятга молик иншоотлар, кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бирбирига уйғун равишда амалга оширилди.

Буюк Амир Темур ва Руҳобод мақбараларига туташ жойда барпо этилган тўрт гектарлик Амир Темур хиёбонида бир мўъжиза — зилол сувли чашма кўз очгани хайрлидир.

Яқин-яқингача Регистон ансамбли — Мирзо Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасалари атрофи пастқам иморатлардан иборат бўлиб, азим шаҳар ҳуснига соя солиб турарди. Мажмуа ҳудуди тозалангач, бу осори-атиқаларнинг кўрки янада очилди, маҳобатига маҳобат қўшилди. Регистон майдонида қисқа муддатда бажарилган қурилиш-ободончилик ишлари моҳир меъморлар томонидан шу қадар зукколик билан бажарилдики, бу манзилда ўтмиш ва бугун уйғунлашиб, ажойиб тароват ҳосил бўлди.

Улуғ аждодларимизга, улар қолдирган меросга ҳурмат, қадимий обидаларни асраб-авайлашдек ватанпарварлик туйғуси ҳар биримизни бой тарихимизни кўзга суртгулик туйғу ила яшашга, меҳнат қилишга ундайди.

Бугунги Самарқанд Мағрибу Машриқдан келаётган сайёҳларнинг нигоҳида янгича қиёфада чирой очаётгани бежиз эмас. Бу ерга ташриф буюраётган сайёҳларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жаҳондаги етакчи сайёҳлик марказлари мамлакатимизнинг тарихий манзиллари билан боғлиқ янги-янги лойиҳаларни таклиф қилаётгани бу меҳрли диёрнинг нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолатдир. Самарқанд дунёдаги энг қадимий ва нурафшон очиқ музей шаҳар сифатида хизмат кўрсатиш даражасининг юқорилиги билан ўз ўрнига эга.

Бу ерга келган зиёратчиларнинг нигоҳи, аввало, гумбазлари осмонга туташ Амир Темур жомъе масжиди ва Бибихоним мақбарасига, сўнгра миноралари кўкка бўй чўзган Регистон мажмуасига тушади. Шундоқ Регистон ёнида буюк Амир Темур зиёратгоҳи, вилоятнинг бош майдонидаги замонавий маъмурий бинолар кўзга ташланади. Пастроқда эса машҳури замин бўлган Шоҳи Зинда мақбарамажмуасининг ложувард гумбазлари савлат тўкиб турибди. Улкан чинорлар, боғ ва хиёбонлар, гулзорлар ҳамда равон кўчаларни кузатиб, ҳайратингиз ошади.

Ўтган йили Самарқанд шаҳрида бир пайтнинг ўзида 520 та иншоотда қурилиш ишлари бажарилгани мамлакатимиздаги барқарор иқтисодиёт самарасидир. Беруний, Бўстонсарой ва Мирзо Улуғбек кўчалари бўйида 11 та кўп қаватли турар жой биноси, 81 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, 56 та ижтимоий соҳа объекти, 20 та маъмурий бино, 144 та хусусий уй-жой ва бошқа иншоотлар янгитдан қад ростлади. Газ, сув ва алоқа тармоқлари тўлиқ реконструкция қилинди.

Шаҳардаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун 1700 ўринли 11 та ётоқхона, 3 та мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 2 та спорт иншооти қурилди ва қайта таъмирланди.

Замонавий коммуникация тизимларига уланган турар жой бинолари ва иншоотлар халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Ўз навбатида, янги объектларда тўрт мингдан кўпроқ янги иш ўринлари очилди. Хусусан, савдо соҳасида 2310 та, умумий овқатланиш шохобчаларида 271 та, маиший хизмат тизимида 121 та, дорихоналарда 178 та, меҳмонхоналарда 109 та, банк ва адвокатлик хизматида 216 та, бошқа соҳалар бўйича 831 та иш ўрни пайдо бўлди. Янги қиёфага кирган кўча ва майдонларга 3500 туп қарағай, 2500 туп каштан, яна шунча бутасимон манзаралы, 1500 туп мевали дарахтлар экилди. Шаҳар ҳудудида йил давомида жами 11500 мевали ва манзарали дарахт, 1700 минг туп гул кўчатлари ўтқазилди. Уларнинг орасида илк бор экилаётган ўта ноёб навлар ҳам бор. Қурилиш ишлари олиб борилган ўрамларда, бундан ташқари, майдон ва боғлар четида 127 гектар ҳудудда яшил майсазор ва гулзорлар барпо этилди.

Одатда, ўқувчига оддий ҳисоботдай кўринадиган ушбу фактлар ортида самарқандлик меҳнат аҳлининг ҳамжиҳатлиги, бирсўзлилиги, меҳру муҳаббати, шижоати ва Ватан истиқболи учун бирор бир фойдали иш қилишдай жумардлиги мужассам.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида шаҳарни туманлар марказлари, йирик аҳоли пунктлари билан боғлайдиган янги йўналишлар очилиб, уларга вилоятнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган 40 дан зиёд "Isuzu" автобуслари бириктирилди. Шаҳар кўчаларида эса 200 дан зиёд қўшимча автобус ҳаракати йўлга қўйилди, 20 дан ошиқ янги йўналишлар очилди.

Шу-ўринда бундан йигирма-йигирма беш йил муқаддам собиқ иттифоқнинг қайсидир шаҳарларида хизмат қилиб, муддати ўталгач, ўлкамизга "тортиқ" қилинган, халқ тили билан айтганда, "шалоғи" чиққан ЛАЗ, ПАЗ каби автобусларда 120-130 километр йўл босиб, Пахтачи ёки Нарпай туманларидан вилоят марказига келиб-кетиш нақадар мушкул бўлганини бир тасаввур қилинг. Ана шунда бугун халқимиз фаровонлиги йўлида барча соҳаларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, билиб, қадрига етишимиз кераклигини чуқурроқ англаймиз.

Самарқандниг гўзал ҳуснига, шуҳратига ярашиб турган муҳташам, дунё стандартларига мос халқаро аэропорт, темир йўл вокзали ва автошоҳбекатни қадим ва навқирон шаҳарнинг салобатли дарвозалари, десак, муболаға бўлмайди.

Икки йил бурун Москва шаҳрига ҳафтасига тўртта рейс амалга оширилган бўлса, бугунга келиб улар сони саккизтага етди. Яна тўртта рейс Санкт-Петербургга, иккитаси Қозон ва Симферополь шаҳарлари йўналишида парвоз қилади. Бундан ташқари, транзит авиалиниялари мижозларни Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари орқали Америка, Европа мамлакатларига, Тошкент орқали Осиё мамлакатларига бехатар етказишга хизмат қилмоқда. Ҳар йили 150 мингдан зиёд йўловчилар авиа хизматдан баҳраманд бўлаётир.

Шаҳарнинг энг кўркам ва гавжум масканларидан бири ҳисобланадиган "Самарқанд" темир йўл шоҳбекати нафақат республикамизда, балки Ҳамдўстлик давлатлари орасида ҳам ўзига хос нуфузга эга. Ўтган йили 2 миллиард 700 миллион сўм маблағ эвазига капитал таъмирдан чиқарилган мажмуа янада гўзал қиёфа касб этди. Натижада вокзал бир вақтнинг ўзида 15 минг йўловчи, бир кунда 18 жуфт юк ташувчи поездларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Унинг хизматидан фойдаланган мижозларнинг сони ўша йилнинг ўзидаёқ 2 миллион нафардан зиёд кишини ташкил этди.

Вокзал вилоятлараро ва халқаро йўналишлар бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йил июнь ойидан бошлаб "Самарқанд — Тошкент" тезюрар поездининг бир кунда икки бор қатнови йўлга қўйилганидан кейин мижозлар сони янада ошди. Бу йил мустақиллик байрами арафасида эса шу йўналишда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан янги тезюрар поезд фаолиятини йўлга қўйиш тадбириги кўрилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили Ҳамдўстлик мамлакатларининг 40 нафар темир йўл хизмати ходимлари Самарқандга келиб тажриба алмашгани мамлакатимиз темирйўлчилари, бекат ходимлари салоҳиятидан дарақдир.

Вилоятда фаолият кўрсатиб келган "Кинап", "Алпомиш", "Сино" каби саноат ва индустрия иншоотлари қайта реконструкция қилиниб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кенгайтирилди. "Эл-Холдинг" корхонасида эса, уч йилдирки "Элдош" русумли кажавали мотоцикллар ишлаб чиқариляпти.

Ўтган йиллар мобайнида вилоятда Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида "Самарқанд автомобиль заводи" қурилиб, ишга туширилди. Бугун бу ерда япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда энг замонавий "Isuzu" автобуслари, шу номдаги турли юк ташувчи автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, ушбу ихчам ва қулай автобуслар дунёнинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда.





Шу йил март ойида эса Зарафшон дарёси бўйида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси билан Германиянинг "MAN Truck & Bus Ag" корхонаси ҳамкорлигида оғир юк ташувчи техникаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир "JV MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонаси қурила бошланди.

Мамлакатимиз автосаноатида ўз ўрнига эга бўлган мазкур завод фаолияти халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти рамзига айланганини алоҳида таъкидлаш лозим. Нуфузли компаниялар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга асосланган, ривожланиш стратегияси жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган бундай автомобиль бутловчи ва эҳтиёт қисмларини мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариш тарихий воқеадир.

Мазкур лойиҳанинг дастлабки босқичи доирасида 2011-2013 йилларда MAN автомобиллари учун йилига 6 минг тягач ва шасси ишлаб чиқаришга мўлжалланган йиғиш, бўяш цехлари ва диагностика участкаси, шунингдек, автотранспорт воситаларини сотиш бўйича дилерлик ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш сервис марказлари ташкил этилади. Бу ерда иш икки сменада ташкил этилиб, йилига 10 мингтагача маҳсулот тайёрлаш режалаштирилмоқда.

Кейинчалик ушбу янги комплексда тўлиқ технологик жараён бўйича MAN юк автомобилларининг кабина ва рамаларини ишлаб чиқариш, барча турдаги тиркама ва осма техникани тайёрлаш қувватларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Мухтасар айтганда, истиқболли лойиҳа доирасида йилига 20 мингтагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилади.

Самарқандликлар мустақиллик байрамининг 20 йиллигини нафақат иқтисодиёт ва қурилиш соҳасидаги улкан ҳажмдаги ишлар, балки илм-фан, маданият, санъат, тиббиёт, спорт соҳасида ҳам тилга олса арзигулик ютуқлар билан қарши олмоқдалар.

Руйи замин сайқали — тароватли бу масканда ўтказилиши анъанага айланган нуфузли маданий тадбирлар, мусиқа анжуманлари, турли фестиваллар ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Ҳар икки йилда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳам ана шундай анжуманлардан биридир.

Бу ерда қалби илм олишга ташна ёшларнинг ўз орзу-умидларини амалга оширишлари учун Самарқанд давлат университети, Самарқанд чет тиллар институти, Қишлоқ хўжалиги институти, Тиббиёт институти каби нуфузли олий ўқув юртлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу илм даргоҳларида барча шарт шароитлар муҳайё этилган.

Улуғ мунажжим, бобокалонимиз Мирзо Улуғбек авлодлари томонидан кашф қилинган чексиз фазодаги янги кичик сайёрага қадрдон шаҳримиз номи қўйилгани халқимизнинг чинакам фахрига айланди. Зеро, бу юрт, муаззам маскан асл фарзандлари, бунёдкор ўғил-қизлари меҳнати, ўсмир ёшларининг ақл-заковати ила тилга тушиб келган. Бугун эса бу иқтидор эгалари энг замонавий илмларни эгаллаб, камол топмоқдаки, улар ҳеч шубҳасиз, даҳо аждодлари каби Самарқанд шарафини юксакларга кўтармоққа қодирлар.

— Шу йил билимлар синовининг республика босқичида математика фанидан 5-9 синфлар бўйича вилоят ўқувчилари биринчи ўринни, география фанидан эса иккинчи ўринни эгаллашди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Азамат Умаров. — "Очиқ дарслар фестивал"нинг республика босқичида ургутлик бошланғич синф ўқитувчиси А.Суюнов иккинчи даражали диплом, Самарқанд туманидан она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Қ.Шарипова ҳамда иштихонлик география муаллими Ў.Тўрабоев учинчи даражали диплом билан тақдирланди.

Таълимдаги бу муваффақиятлар Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида мамлакатимизда соҳа тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

— Вилоятда ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллашлари учун қулай шароитлар яратилган. Энг замонавий бинолар, спорт майдонлари ва сузиш ҳавзалари, шароити тўкис талабалар турар жойлари ёшлар ихтиёрида. 2010 йилда 12635 ўқувчига мўлжалланган 3 та касб-ҳунар коллежи ҳамда 2200 ўринли 17 та талабалар турар жойлари фойдаланишга топширилди, — дея фахрланади вилоят Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муродулло Холмуҳаммедов. — Бугунги кунда вилоятда 172 та таълим муассасаси фаолият юритмоқда. Кейинги ўн уч йил давомида тизим ўқувчиларидан 16 нафари жаҳон олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритди. Хусусан, 2009 йилда халқаро олимпиадаларда 2 та совринли ўрин эгалланган бўлса, ўтган йили ёшларимизнинг тўрт нафари кумуш, битта бронза медалини қўлга киритиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. 2000-2010 йилларда тизим вакилларидан 41 нафар жаҳон чемпиони, 104 нафар Осиё чемпиони, 112 нафар халқаро турнирлар совриндорлари, 6768 нафар республика миқёсидаги спорт мусобақаларининг мутлоқ ғолиблари давлатимиз байроғини халқаро спорт майдонларида шараф билан юқори кўтаришга муяссар бўлдилар.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида вилоятда иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов ва шартнома интизомини яхшилаш, иқтисодиёт мутаносиблигини таъминлаш борасидаги дастурлар асосида тизимли ишлар ташкил этилди. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15,0 фоизга ўсди. Самарқанд шаҳрида минерал сув ишлаб чиқарадиган «Фреско Самарқанд», Каттақўрғон шаҳридаги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Земфира Мустафаевна», Самарқанд туманида гипсокартон ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Престиж картон изделия», Тайлоқ туманида полиэтилен ишлаб чиқарадиган «Мир Умар» корхоналари каби бир қанча тадбиркорлик субъекти ишга туширилди. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган бундай корхоналар сафи йилдан-йилга кўпаймоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банк-молия муассасаларининг иштироки самарали бўлмоқда.

Аҳоли турмуш тарзини белгилашда, аввало, уларнинг турар жойлари, шаҳар ва туманлар марказларининг ободлиги тасаввур уйғотади. Ўтган йил давомида вилоятнинг 21 та массивида 650 та янги лойиҳа типидаги турар жойлар фойдаланишга топширилганди. Жорий йилда эса 23 массивда 695 та хонадонда ҳовли тўйлари нишонланадиган бўлди.

Ҳисор тизма тоғларидан тушиб келадиган асов Зарафшон дарёси Чўпонотада икки оқим — Қорадарё ва Оқдарёга бўлинади. Миёнкол деб аталмиш жаннатмонанд гўшада эса зироатчиликда ном чиқарган Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи каби туманлар жойлашганки, уларнинг табиати, ҳавоси мисоли танга шифодир.

Денгиз сатҳидан анча баланддаги Ургут тумани ҳамда атрофи Темур боғларидан иборат Самарқанд ва Тайлоқ туманлари аҳолиси боғбону соҳибкорлик илми билан машҳур. Ширин нони, шифобахш сувли булоқларини излаб келувчилар кўп. Ғўбдин тоғи этакларидаги Булунғур, Жомбой ва Пайариқ туманлари аҳли эса узумзорлари, сархил боғлари баробарида чорваси билан ҳам тилга тушган. Чор тарафи тоғу тош, булоқ сувлари ва шамолгай елвизаклиги билан кишига бардамлик ато этадиган Самарқандниг мағрур миноралари олис-олислардан кўзга ташланиб, илҳақ қалбларни ҳаяжонлантиради.

Самарқанд — пахтачиликда ўзига хос мактаб яратган илм даргоҳи. Шу боис, вилоятда деҳқончиликда орттирилган катта тажрибаларга суяниб дала ишлари оби-тобида амалга оширилаётир.

Сир эмаски, қайси бир экин тури бўлишидан қатъи назар, ҳосил чўғи, кўриладиган даромад асоси баҳорги экиш мавсумига қачон киришилгани ва уни нечоғли сифатли ўтказилгани билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам деҳқонлар "Эрта экқан — эрта ўради" деган нақлга амал қилишади. Айниқса, иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутувчи пахтачилик соҳасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Самарқандлик пахтакорлар жорий йилда вилоятимиз бўйича 99,2 минг гектар ерга ўз вақтида чигит қадашди. Бунда ер, иқлим ва сув шароитларига мос бўлган "Омад", "Бухоро-102", "Султон", "С-6541" каби янги, истиқболли навлар экилди.

Фермерлик қанот ёйгач, уста пахтакорлар ердан оқилона фойдаланиб, ҳосилдорликни оширмоқдалар. Ўтган йили юзлаб фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 40-45 центнерни ташкил этди. Жумладан, Жомбой туманидаги Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз Эргашев бош бўлган "Қаҳрабо-янтар" элита уруғчилик хўжалиги ғўзанинг "Омад" навидан 50 центнердан ошириб хирмон кўтарди. Пахтачилик Ўзбекистон Қаҳрамони Дўстмурод Абдуллаев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари эса пахтадан 50, ғалладан 65 центнердан ҳосил олдилар. Бу йил ҳам юксак марралар кўзланмоқда.

Пилла, чорвачиликда ҳам муваффақиятлар қозонилмоқда. Шунингдек, вилоят далаларида деҳқончилигимизнинг асосий экини — ғалла парваришига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. 107 минг гектар суғориладиган ва 49 минг гектар лалми ерда бошоқли дон етиштираётган самарқандлик ғаллакорлар "Краснодар-99", "Уманка", "Никоня", шунингдек, "Крошка", "Восторг", "Селянка", "Аср" сингари ғалла навларини экишган.

Вилоятда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини юксалтириш, тиббий марказлар ва қишлоқ врачлик пунктлари қуриш ва таъмирлашдек бунёдкорлик ишлари кўлами ҳам тобора кенгаймоқда. Йил бошида Қўшработнинг Саксончел қишлоқида уч мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатадиган замонавий ҚВП қуриб, ишга туширилди. Йилнинг биринчи чорагида Самарқанд ва Нарпай туманларида ҳам ана шундай масканлар фойдаланишга топширилди.

Кейинги икки йилда вилоят кўп тармоқли болалар тиббий маркази энг замонавий даволаш-диагностика ускуналари билан жиҳозланди. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали биноси таъмирланди, атрофи ободонлаштирилди. Вилоят офталмология шифохонаси, вилоят травматология ва жарроҳлик илмий маркази даволаш-профилактика бўйича республикада етакчи ўринларда турибди.

Халқимиз манфаати, фаровонлиги, турмуш тарзининг юксалиши йўлида нафақат Самарқанд вилоятида, балки мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида амалга ошираётган бундай кўламли ишларни битта мақолада акс эттиришнинг ўзи эмас. Улар аллақачон Ватанимиз тарихи зарварақларига битилиб улгургани ва Самарқанд миноралари каби мозийдан мозийга Ватанни онадай қадрлагувчи замондошларимиз азму шижоатини сўйлаб туриши бор гап.

Тошпўлат ТОШМУРОДОВ,
"Пахтакор овози" газетаси бош муҳаррири,
Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Журналистиканинг олтин қоидаси — қаламга олинаётган мавзу ҳамда унга тегишли воқеликни кўз билан кўриб, юракдан ўтказишда намоён бўлади. Шунда ўз-ўзидан ижодкорнинг қалами равонлашади, сўзлар жилоланади. Яратилган қиёфалар, айтилмоқчи бўлинаётган гаплар нозик ифодалар йўсинида тароват ва теранлик касб этади. Бундай мақолани ўқиган муштарийнинг кўнглига ҳам ижодкорнинг ҳаяжони юқмасдан қолмайди, албатта.

Истиқлолимизнинг қутлуғ — 20 йиллиги арафасида республикамиздаги турли нашрларнинг ижодий режалар қанотида бошқа вилоятларга сафар қилаётгани, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан, янги-янги ғоялардан илҳомланаётганида ҳам ана шу мақсад ва муддао мужассам. Жойларда ўтказилаётган мазкур ижодий учрашувлар, фикр-алмашишлар, мустақиллик йилларида юртимизда қўлга киритилаётган ютуқлар, ислоҳотлар мазмун-моҳиятини ва қўламини янада чуқурроқ ҳис этиш ва тобора яхлитлик касб этиб бораётган бу воқеликни тўлалигича фуқароларимизга етказиш имконини беради, деб ўйлаймиз. Қуйида мамлакатимизда ўз нуфузи ва муштарийларига эга бўлган газета таҳририятлари ходимларининг, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий режалари, ҳуррият шукуҳига йўғрилган сафар таассуротлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



Ҳар қарич ери — зиёратгоҳ

«Овози тожик» рўзномасида 55 йилдан бери фаолият юритиб келаман. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари, бағрикенг инсонлари ҳақида битилган мақола, очерк, лавҳалар орқали хабардор бўлсам-да, ҳанузгача бир марта ҳам кўҳна ва навқирон шаҳарни кўриш насиб этмаганидан таассуфда юрардим. Насиб этган экан, яқинда жамоамиз аъзолари билан Бухоронинг бир қатор табаррук қадамжоларини, тарихий масканларини зиёрат қилдик.

Бухоро тупроғига қадам қўйганимизда мозийда не-не улуғлар юрган хиёбону кўчаларда қадам ташлаш бахти насиб этгани учун Оллоҳга шукроналар айтаман. Турли даврларда қурилган маданий ёдгорликларнинг 15-20 йиллар олдин ташландиқ, хароба ҳолда бўлганига ишонгинг келмайди.

Шу кунларда Арк музейига кираверишда саёҳатчиларнинг кўплигидан юришга йўл тополмайсиз. Ёзги таътил мавсуми эмасми, мактаб ўқувчиларининг кети узилмайди. Музейни, ундаги тарихий ашёларни кўриш учун нафақат вилоят мактабларидан, балки Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан ўқувчилар ўз устозлари билан келишган. Буни Арк деворлари атрофида турнақатор бўлиб турган автобусларнинг рақам ва ёзувларидан ҳам билиш мумкин.

Абдухолиқ Ғиждувоний дахмаси рўпарасидаги Улуғбек мадрасасининг ёнгинасида Ҳожаи Жаҳон руҳларига Қуръон тиловат қилгач, мадраса ва масжид деворлари, улуғ мутафаккир қабри устига қўйилган шаффоф, жилоли тошни кўздан кечирдик. Шунга амин бўлдикки, бу ерда барча нарса бир-бирига мутаносиб, бирон ортиқча нарса кўзга ташланмайди. Барча масжид ва мадрасаларга хос бўлган минорлар бу ерда ҳам мадраса пештоқига ярашиб турибди.

Баҳовуддин Нақшбанд мажмуаси сўнгги 20 йил давомида уч марта таъмирланибди. Зиёратгоҳнинг устун, вассалари ва ички ҳовлининг атрофлари ниҳоятда юксак маҳорат билан оро берилгани туфайли жилоси кўзни қамаштиради. Турли рангда нақшланган катакларни соатлаб томоша қилсангиз ҳам тўймайсиз...

Бухорои Шарифга келган ҳеч бир сайёҳ "Қадим ва навқирон Бухоро" мажмуасини кўрмасдан кетолмайди. Мажмуа кенг майдонда бунёд этилган бўлиб, вилоят драма театрининг янги биноси, амфитеатр, оддий тупроқрангли мармардан қурилган гумбазни ўз ичига олади. Гумбаз атрофига Бухоро тарихи олтин ҳарфлар билан битилган. Бу ерда майсалар, турли дарахтлар кўкка бўй чўзмоқда.

— Ушбу ҳашаматли мажмуа бизнинг кўз ўнгимизда қад кўтарди, — дейди фахр билан газетамизнинг Бухоро вилояти бўйича мухбири Амрулло Авезов. — Мен, гарчи шаҳардан ташқарида яшасам-да, хизмат юзасидан марказга тез-тез келиб тураман. Ҳар гал янги қурилишлар, таъмирланган иморатларнинг гувоҳи бўламан...

Сафардан қайтар эканмиз, не-не кунларга шоҳид бўлган минора-ю мадрасалар шу кунларда қаддини тик тутиб тургани, Бухоро заминининг ҳуснига ҳусн қўшаётган улкан қурилишлар, меҳнатсевар халқининг Ватанга бўлган чексиз муҳаббатига гувоҳ бўлганимиздан кўнгилларимиз тоғдек кўтарилди.



Тоҳир ОЛИМБОЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ватан ичра сайр

Улуғвор ва навқирон маскан ҳайратлари

Яратиш, яшнатиш фалсафаси. Йигирма йилдирки халқимиз ана шундай улуғ мақсад билан яшаяпти. Бу даврда одамлар ўзгарди, тафаккуримиз тиниқлашди. Миллат сифатида ўзимизни қайта кашф этдик. Энг муҳими, дунё бизни тан олди.

Истиқлол йилларида республикамизнинг барча вилоятлари чирой очиб, навқирон қиёфа касб этди. Бироқ Ватан ичра сайр қилинганда бундай улуғвор янгиланишларни, ўзгаришларни янада чуқурроқ англаш, юракдан ҳис қилиш мумкин. Яқинда Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан биз — бир гуруҳ журналистлар қўҳна ва боқий Бухорода ижодий сафарда бўлганимизда бунга яна бир бор амин бўлдик.

Йигирма беш асрдан зиёд тарихга эга Бухоро — табаррук ва муқаддас замин. Бугун бу шаҳар қадимий обидалари қаторида замонавий иншоотлари билан ҳам сайёҳларни лол этаяпти.

— Юртбошимиз ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини олдин оммавий ахборот воситаларида кўргандим, — дейди "Қашқадарё" газетаси масъул котиби Нуриддин Эгамов. — Бироқ бугун қаршисида туриб ҳайратимни яширолмадим. Очиғи, худди шундай ҳаяжонни, ғурур ва ифтихорни 2006 йилда Қарши шаҳри марказида қад ростлаган "Эл-юрт таянчи" монументи пойида ҳис қилгандим. Ҳар икки улуғвор монумент тимсолида мен бир уйғун моҳиятни кашф этдим. Ҳар иккисида халқимизга хос ғурур бор, шаъну шавкат, ифтихор бор. Элу юртнинг орзу-мақсадлари муқаддас тимсолларга айланган уларда.

Истиқлол йилларида бу ҳудудда табиий газ, нефть, графит, бетонит, мармар, гранит, гипс, олтингугурт ва бошқа кўплаб табиий бойликлар ўзлаштирилди. Аммо бу юртнинг асл бойлиги, Президентимиз таъкидлаганидек, унинг фидойи, меҳнаткаш одамларидир. Хўш, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган оламшумул ўзгаришлар, янгиланишлар, бу юрт одамларининг ўй-ташвишлари, орзу-интилишлари матбуот саҳифаларида қай даражада акс этаяпти?

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги муассислигида чоп этилаётган "Buxoronoma" ҳамда "Бухарский вестник" газеталари таҳририятида бўлганимизда ана шулар билан қизиқдик. Дастлаб таҳририят бўлимлари мухбирлари ижоди, иш услуби билан танишдик, ўзаро фикрлашдик. Мулоқот чоғида "Buxoronoma" ҳамда "Бухарский вестник" газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоилов ва "Qashqadaryo" газетаси бош муҳаррири Нарзулла Равшанов бундай ижодий учрашувларни кўплаб ўтказиш таҳририятлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши, ўзаро тажриба алмашиш учун муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар.

Шундай шаҳарлар бўладики, улар даврларни, замонларни бир-бирига боғловчи олтин халқа вазифасини бажариб келади. Бухоро юртимиздаги ана шундай шаҳарлардан бири. Бу шаҳар неча асрлар ўтибдики, халқимизга мозийдан сабоқ, аждодларимизнинг қувончу армонлари, орзу-умидларидан гувоҳлик бериб келмоқда.

Воҳамиз журналистлари ижодий сафар давомида Қашқадарёнинг буюк фарзанди Соҳибқирон Амир Темур ўзига устоз санаган Саййид Амир Кулол жомеъ масжиди, Баҳоуддин Нақшбанд, Лаби Ҳовуз, Пойи Калон (Масжиди Калон, Минораи Калон, Мир Араб мадрасалари), Абу Ҳафс Кабир меъморий мажмуалари, Ситораи Моҳи Хосса халқ амалий санъати музейи, Арк қалъаси каби муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди. Кейинги йилларда шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.



Дарҳақиқат, Шариф шаҳарда ўтмиш ва бугуннинг уйғун қиёфаси уфуриб туради. Лутф этишганидек, қадимий шаҳарнинг қай бир кўчасидан юрманг, муқаддас қадамжоларга олиб боради. Балки шундандир, бу муқаддас маскан йил сайин сайёҳлик марказига айланиб боряпти. Ахир, 2000 дан ортиқ тарихий обидалари ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданияти мероси рўйхатига киритилган қадим кентни ким кўришни истамайди дейсиз?!

Ҳа, биз Бухорои Шарифдаги мозийнинг бебаҳо гавҳарлари билан танишар эканмиз, бир нарсага амин бўлдик: гўзалликнинг умри боқий, бу юртнинг одамлари Бухоронинг шукуҳли ўтмиши баробарида бугунги куни билан ҳам фахрланадилар. Яна англаганимиз шуки, энг қутлуғ маскан — Ватан, энг бебаҳо неъмат — Тинчлик, энг муқаддас бойлик — Истиқлол, энг олий мақсад эса — эл корига ярашдир.

Назарали ТИЛЛАЕВ,
"Qashqadaryo" газетаси мухбири
Собир НАРЗИЕВ олган сурат

Асакадан «Термиз оқшоми»га

Сурхоннинг қадимий ва навқирон ўтмиши, самимий, меҳнаткаш одамлари ҳамда сўлим ва бетакрор табиати ҳақида кўплаб бадиий асарлар битилган, ҳали-ҳануз ёзиб келинмоқда. Яқинда Андижон шаҳридаги Ўзбекистон кўчасининг очилиш маросимида қатнашган бир гуруҳ ижодкорлар воҳанинг ана шундай дилбар табиатидан, дилкаш инсонлари суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун қаршилик шоир Бахтиёр Ашур, асакалик журналист Маҳмуд Ибо, таниқли шоира Умида Абдуазимова, «Народное слово» газетасининг мухбири Аъзам Аликулов, шаҳрисабзлик педагог- ижодкор Мурод Эшмурод, вобкентлик қаламкаш Қаҳҳор Раҳмон каби бир гуруҳ ижодкорлар минг чақиримдан зиёд йўл босиб Алпомишу Барчинойлар диёрига — «Термиз оқшоми» газетаси таҳририятида ўтказилиши режалаштирилган ижодий учрашувга ташриф буюришди.

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳар бир инсон тақдирида ўзига хос из қолдираётгани чинакамига бахтли ҳодиса, — дейди Каптархона қишлоғи остонасида ижодкорларни кутиб олган «Термиз оқшоми» газетаси муҳаррири Гелдимурод Саидмаликов. — Толеимиз мана шундай ўзгаришлар даврига тўғри келгани, ҳаётимиз одамзод орзу қилган арзирли ишларга боғлангани учун ҳам бахтлимиз. Буларнинг барчаси қалбимизни доимо ҳаяжонга солиб туради.

«Термиз оқшоми» газетасини узоқ ва бой тарихга эга деб бўлмайди. Аммо бу зинҳор унинг ўзига хос кечмиши ва айрича хусусиятлари йўқ, дегани эмас. Анча йиллар илгари воҳа матбуотининг дарғаларидан бири, таниқли адиб ва публицист Менгзиё Сафаров шогирдларига неча минг йиллик тарихга эга Термиздек шаҳри азимнинг ўз газетаси йўқлиги ҳақида куюниб гапирган экан. Устоз бугун воҳанинг таниқли ижодкорларига айланган ўнлаб шогирдлари кўнглига балки ўшандаёқ чўғ ташлаган бўлса не ажаб. Истиқлол боис Термиз шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими нашри «Термиз оқшоми» газетасининг илк сони дунё юзини кўрди.

— Иш биз ўйлаганчалик осон эмаслигини газетанинг нишона сонини тайёрлаш чоғидаёқ англаб етдик, — дейди газета муҳаррири Г.Саидмаликов. — Айниқса, таҳририят учун алоҳида бино, техник воситалар бўлмагани боис ходимлар барча ишларни уйларида, ишлаб турган турдош жамоаларида бажаришарди. Айниқса, Шафоат Раҳматилло Термизий, Болта Ёриев, Эркин Норсафар, Маҳмуд Абулфайз, Холиқ Хурсандов, Эркин Норсафар, Аннақул Жабборов, Жўра Қодиров, Менгнор Алламуродов катта жонбозлик кўрсатдилар.

Айни пайтда «Термиз оқшоми» нафақат шаҳар, балки вилоят матбуот майдонида ҳам мустаҳкам ўринга ва нуфузга эга бўлиб келмоқда. Газета ижодий жамоасининг ўз ишига бўлган садоқати, янгиликка интилиб яшаши нашрнинг кетма-кет бир неча маҳаллий ва халқаро грант танловларида ғолиб бўлишини таъминлади. Бу ўз навбатида таҳририятда ижодий муҳит ва меҳнат шароитлари тубдан яхшиланишига олиб келди. Бугунга келиб таҳририят бошқа газеталар ижодий ходимлари ҳавас қиладиган барча замонавий техник воситалар, жумладан интернет алоқа хизмати, юмшоқ мебель ва бошқа турдаги зарур идора жиҳозларига эга. Эндиликда биргина Термиз шаҳри ҳудуди билан чекланиб қолмай, иложи борича вилоятнинг барча туманлари, олис қишлоқларидаги хонадонларга ҳам кириб бориш мақсад қилинган.

Йўл босиб келган меҳмонлар таҳририятда кечган қизғин учрашувдан ташқари воҳанинг турли жойларида уюштирилган дилбар суҳбатларда, ижодий гурунгларда ҳам иштирок этишди. Жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан мамнунлик, қониқиш меҳмон ижодкорларнинг Шеробод овулларини кезганларида ҳам, паст-баланд кимсасиз чўлларда, Ҳисор тоғи этакларида, Хўжаикон туз конида юрганларида ҳам сезилди. Яратувчанлик, интилувчанлик баҳодирона ўзгаришлар, табиат берган мўъжизавий инъомлар меҳмонларнинг қалбларини чексиз ғурурга тўлдирди.

«Термиз оқшоми» газетасидаги ижодий учрашув баҳонасида ҳар қадамида минг-минг йиллик тарих яширинган воҳага ташриф буюрган ижодкорлар қалбида янгидан-янги режалар туғилди. Ҳаётсевар воҳа аҳолисининг мўъжизавий яратувчанлик ишлари уларга илҳом бағишлади. Бу эса ўзбек миллий автомобилсозлигининг бешиги бўлган Асакадан бошлаб довонлар оша, чўллар кеза Сурхон сарҳадларигача уюштирилган бу сафар шукуҳли ва файзли кечди дея олишимизга асос бўла олади.

Даврон ОРИПОВ,
Фозил ЖАББОРОВ,
Hurriyat" мухбирлари

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ТОВУШДАН ТЕЗ УЧАДИ



“Airbus” авиакомпанияси ўзининг янги лойиҳаси: товушдан тез учадиган “Zero Emission Hypersonic Transportation” (Zehst) самолёти лойиҳасини тақдим этди, дея хабар беради “France-Presse” ахборот агентлиги.

Яна эътиборга молик жиҳат шуки, мазкур самолёт атмосферага зарарли моддаларни минимал даражада чиқариши билан бошқалардан ажралиб туради. Шунингдек, “Zehst” баландликка кўтарилаётганда биоёқилғидан фойдаланади, стратосферада эса ракета ёқилғисига ўтади. “Airbus” режасига кўра, “Zehst” 32 километр баландликда учади. Таққослаш учун бир мисол: ҳозирги кунда оддий лайнерлар ўз рейсларини ердан 10 километр баландликда амалга оширмоқда.

Агар ушбу янги лойиҳа амалга оширилса, 50-100 нафар йўловчини Париждан Токиогача икки ярим соатда элтиш имконияти пайдо бўлади.

Янги самолётнинг прототипи 2020 йилда тайёр бўлади. 2050 йилда эса эксплуатацияга киритилади. “Airbus” авиакомпанияси лойиҳани япониялик ҳамкорлар билан биргаликда ишлаб чиқишган.

ЭНГ УЗОҚ ДАВОМ ЭТАДИГАН ТЕЛЕЭФИР



Норвегиянинг NRK-2 телеканали денгиз соҳиллари бўйлаб саёҳат уюштирган лайнердан 134 соатлик трансляция олиб бормоқда, деб ёзади “Aftenposten” газетаси. Телеканал мутасаддиларининг фикрича, лойиҳа телевидение тарихида давомийлиги бўйича энг узоқ олиб борилган тўхтовсиз эфир бўлиб қолади.

Трансляция “MS Nordnorge” лайнерининг турли бўлимларида жойлаштирилган 9 та камера ёрдамида олиб бориляпти. Лойиҳа муаллифи Томас Хелламнинг таъкидлашича, кемада юз бераётган ҳеч бир жараён камералар “нигоҳидан” четда қолмайди.

Кема Норвегиянинг жанубий-ғарбий қирғоғидан 16 июнь куни жўнаган. “MS Nordnorge” бортида 314 киши денгиз саёҳатига чиққан. Бир неча кундан сўнг лайнер Қутб доирасига етиб боради. Саёҳат Киркенес шаҳрининг портида ниҳоясига етади.

Мазкур денгиз саёҳатидан олиб борилаётган эфирни NRK сайтида ҳам кўриш мумкин.

АВСТРАЛИЯГА ҲАМ ЕТИБ БОРДИ

Чилидаги Пуйеуэ вулқони ҳаракатга келганидан хабарингиз бўлса керак. Унинг фаоллиги ўтган ҳафта сўнггида шу даражага етдики, вулқондан отилиб чиқаётган кул «булут»лари бутун ер шарини айланиб ўтиб, Австралияга қадар етиб борди. Бу ҳақда “France-Presse” ахборот агентлиги хабар тарқатган.



Кул «булут»лари туфайли Австралияда кўплаб авиарейслар бекор қилинган. Хусусан, мамлакатнинг Аделаида, Канберра, Мельбурн ва Сидней сингари йирик аэропортларида самолётлар парвози вақтинчалик тўхтатилган.

Бундан ташқари, Австралияга қўшни давлатлардаги «Qantas», «Virgin» ва «Jetstar» авиакомпаниялари ҳам баъзи бир йўналишлар бўйича ўз парвозларини амалга ошира олмаган. Сингапурнинг «Tiger Airways» авиакомпанияси эса барча рейсларини бекор қилган.

Мутахассислар «яшил қитъа» осмонидан кул «булут»лари ҳали-бери тарқамаслигини тахмин қилишмоқда.

Пуйеуэ 1960 йилдан бери уйғонмаган эди. Жорий йилнинг 4 июнь куни у фаол ҳаракатга келди ва шунинг натижасида Чили ҳукумати 4 минг кишини хавфли ҳудуддан кўчиришга мажбур бўлди.

АНТИҚА ПЛАНЕТАРИЙ



Варшавада 20 миллионта юлдузни кўриш мумкин бўлган антиқа планетарий очилди, деб хабар беради “РИА Новости”.

— Дунёнинг кўпгина планетарийларида 100-200 мингта юлдузни кўриш мумкин. Бу ерда эса 20 миллионта юлдузни кузатса бўлади, — дейди Коперник номидаги илм-фан маркази директори Роберт Фирмхофер. — Планетарийда навигация тизими мавжуд — хоҳлаган планетани танлаб олиш ва реал вақт режимида космик кенгликларда саёҳат қилиш мумкин.

Бундан ташқари, планетарийда инсон томонидан космосни забт этилиши ҳақидаги фильмларни 4D форматида кўриш ҳам мумкин.

44 КИШИ ҲАЛОК БЎЛДИ



Россиянинг Петрозаводск шаҳрида “РусЭйр” авиакомпаниясига қарашли Ту-134 самолёти ҳалокатга учради. Оқибатда 44 киши ҳалок бўлди.

Мамлакат Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тарқатган хабарларга қараганда, самолёт Москвадан учган ва Петразаводск аэропортига қўнишда ҳалокатга учраган. Бу пайтда самолёт салонида жами 52 киши бўлган.

Ҳозирча ҳалокат сабаби сифатида аэропорт учиш-қўниш йўлагида руй берган носозликлар кўрсатилмоқда. Маълум бўлишича, Ту-134 қўнаётган вақтда симларнинг узилиши туфайли огоҳлантирувчи тармоқ ишламай қолган. Шунинг натижасида самолёт автотрассага қўнишга мажбур бўлган...

Шуни таъкидлаш жоизки, самолёт ҳалокати тўғрисидаги ушбу тахмин ҳозирча расман тасдиқлангани йўқ. Нега деганда, Петразаводск аэропорти бир ярим йил илгари реконструкция қилинган ва таъминот издан чиққанда захира электр энергиясини ўзида сақловчи махсус мосламаларга эга.

Дарвоқе, чет эл оммавий ахборот воситаларида авиаҳалокатдан омон қолганларнинг ҳам аҳволи оғирлиги айтилмоқда.

Айни пайтда мазкур воқеа юзасидан жиноий иш очилган.

УОРНЕР ИШДАН КЕТДИ



ФИФА вице-президенти Жек Уорнер ўз хоҳишига кўра эгаллаб турган лавозимидан кетди. Бу ҳақда Бутун жаҳон футбол ташкилоти расмий сайти хабар бермоқда.

Аввалроқ ФИФАнинг этика қўмитаси вице-президентни порахўрликда айблаган ва унга футболга тааллуқли ҳар қандай вазифада ишлашни вақтинчалик тақиқлаган эди. Истеъфодан сўнг Уорнерга қўйилган ушбу айбловлар олиб ташланади.

Нима бўлган тақдирда ҳам Ж.Уорнернинг ФИФА президентлиги сайлови билан боғлиқ машмашаларга аралашиб қолгани ва бунинг оқибатида истеъфога чиқиши унинг бўлғуси фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Негаки, айни вақтда у ўз ватани – Тринидад ва Табагода вазир лавозимини эгаллаб турибди.

АНА КОМПЬЮТЕРУ, МАНА КОМПЬЮТЕР!



top500.org сайтининг ёзишича, Японияниг «Кей компьютер» деб номланган суперкомпьютери энг тезкор компьютерлар руйхатида пешқадамга айланди. Ушбу руйхатдан эса 500 та русуми ўрин олган.

Японияниг Кобе шаҳридаги Физика ва кимё тадқиқотлари институти қошидаги «Fujutsu» компаниясида ишлаб чиқарилган ушбу компьютер ақлбовар қилмас даражада тез ишлайди. Аниқроғи, бир сонияда 8,2 квадриллион операцияни бажара олади. Бу унинг Хитой миллий суперкомпьютер марказининг «ақлли машина»ларидан икки баробар «ақллироқ» эканидан далолат беради.

Мутахассислар «Кей компьютер»ининг кучини салкам миллионта оддий иш компьютерлариники билан тенг деб баҳолашмоқда. Аммо у электр энергиясини шунга яраша кўп талаб қилади – 10 мингта хонадонга етадиган миқдорда. Шу сабабли ҳам суперкомпьютердан фақатгина ер силкиниши, иқлим ўзгаришлари, ядровий портлашлар моделини тузиш сингари мураккаб жараёнларни бажаришда фойдаланилади, холос.

Суперкомпьютерлар ўнлигидан АҚШнинг бешта, Япония ва Хитойнинг иккитадан ва Франциянинг битта компьютери жой олган.

ПЛАСТМАССА КАБИ БУКИЛАДИ



Бугун одамларни пўлатдан ҳам мустаҳкам қотишма бор, деб ишонтириш қийин. Лекин айнан шундай қотишма ўн йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар натижасида кашф этилди.

Америкалик профессор Ян Шроэрс атомлари тартибли ҳаракат қилмайдиган қотишма — металл шиша қайта ишлангандан кейин унга пластмасса каби хоҳлаган шаклни бериш мумкинлигини исботлади. Энг асосийси, у ўзининг металга хос хусусиятларини асло йўқотмайди.

Олим металл шишадан турли шаклларни "ясашга" муваффақ бўлди: соатлар учун корпус, кичкина резонатор ва шиша идишлар. Уларнинг барчаси бир дақиқадан кўра камроқ вақтда ҳосил қилинади ва оддий пўлатга нисбатан кўра икки баробар мустаҳкам бўлади.

ҚУЛУПНАЙНИНГ ФОЙДАСИ



Қулупнай меваси тишни оқартириш ва соғломлаштиришда катта аҳамиятга эга. Россиялик олимлар ана шундай хулосага келишди.

Аниқланишича, қулупнай таркибида инсон тишлари учун ниҳоятда фойдали бўлган кислота моддаси кўп. Бу эса тишни янада соғлом ва қордек оппоқ бўлишини таъминлайди. Тўғри, тишларни оқартиришда қулупнай стоматологлар тавсия қиладиган воситаларга тенг келолмайди. Лекин шундай бўлса-да, табиий шифобахш воситага нима етсин.

"Бироқ табиатнинг бу неъматини ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш ҳам ярамайди, — дея огоҳлантиришди олимлар. — Чунки бу саломатлик учун зарар келтириши мумкин".

САБАБИ АНИҚЛАНСА...



Қизилиштон дарахтни тумшуқлари билан чўқиб тешганида ўз танасига нисбатан мисли кўрилмаган даражада катта оғирликни бошидан кечирар экан. Чўқишнинг ўртача тезлиги сониясига 22 марта, оғирлик эса 1200 g ташкил этаркан.

Қизилиштонга бундай оғирликни кўтаришга нима ёрдам бериши ҳалигача номаълум. Олимларнинг айтишича, бунинг сабаби аниқланса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Негаки, келгусида ундан техника ва транспорт соҳасида фойдаланиш самарадорликнинг ошишига омил бўлиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Республика «Маҳалла» жамғармасининг
Нукус шаҳар бўлими жамоаси

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан буюк Ватанимизнинг барча қаламкашларини — фидойи инсонларини чин қалбдан қутлаб, уларга яхши кайфият, янги куч-ғайрат, ишларида катта муваффақият, ҳаётда бахт-саодат тилайди.
Байрам муборак, азизлар!



«АНДИЖОН ТАЖРИБА-СИНОВ ЗАВОДИ»
акциядорлик жамияти жамоаси

юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча журналистларни, нашриётлар ходимларини касб байрамлари билан муборакбод этади.
Уларга зўр ижодий ғайрат ва бошлаган ҳар бир эзгу ишларида омад доимо ёр бўлишини тилайди.

Касб байрамингиз муборак!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ТАБРИК

Ижтимоий ҳимоя

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни кенг жорий этиш каби масалалар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ногиронлар қалбига йўл топиб

Қарши туманлараро 34-сонли тиббий меҳнат экспертиза комиссияси ходимлари аҳоли ўртасида ногиронликни ўз вақтида аниқлаш ва белгилаш ишларини қизғин олиб боришмоқда. Бунда «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Тиббий меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмаси ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ногиронликни камайтириш борасидаги кўрсаткичлар тобора яхшиланиб боряпти. Ўтган йилнинг уч ойлик ҳамда жорий йилнинг шу даври натижаларини ўзаро солиштирсак, бунга гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, бу даврда бирламчи ногиронлик 31, қайта ногиронлик 265, муддатсиз ногиронлик белгиланганлар сони 31 нафарга камайган.

Ногиронликнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилиб, уларнинг реабилитация воситалари ва протез-ортопедик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи имкон борича қондириб келинмоқда. Тумандаги бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликдаги ишлар яхши натижа бераяпти. Ногиронларни ишга жойлаштириш, уларни касаначиликка жалб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туман меҳнат бўлимига III гуруҳ ногиронлари рўйхати юборилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя давлатимизда олиб борилаётган асосий тамойиллардан бири экан, унга муҳтож фуқароларнинг соғлиғини тиклаш, уларни касбига, ўз меҳнат жамоасига, соғлом одамлар сафига қайтариш эзгу мақсадимиз бўлиб қолаверади.

Фарруҳ МУҲАМОВ,
Қарши туманлараро 34-сонли ТМЭК раиси

Фарғона туман ҳокимлигининг Молия бўлими жамоаси



юртимиздаги барча журналистларни, қалам аҳлини 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан чин дилдан муборакбод этади. Барчангизга ижодий баркамоллик, соғлик-саломатлик тилаймиз.

"Марказгаз таъминоти" жамоаси

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН ЧИН ҚАЛБДАН ТАБРИКЛАЙДИ.

Сиз, азиз ижод аҳлига мустаҳкам соғлиқ, жўшқин ижод завқини тилаймиз.



Болаликнинг рангин дунёси

Бугун бутун мамлакатимиз миқёсида эътибор ва эҳтиром топган, болалар, ўсмир ёшларимиз севиб ўқиётган "Гунча" ва "Гулхан" журналлари, шунингдек, "Тонг юлдузи" газетаси ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирса арзигулликдир. Шу қаторда, бизнинг ижодий жамоамиз томонидан чоп этиб келинаётган "Билимдон", "Знайка" журналлари ва "Доно ворд" газетасининг ҳам мавқеи тобора ортиб бораётганидан қувонамиз.

Мазкур нашрларнинг ўзига хос энг муҳим жиҳати шундаки, муаллифларимиз асосан ўқувчиларимизнинг ўзларидан иборат. Саҳифаларда уларнинг орзу-ўйлари, тасаввур дунёси, интилишлари, ижодий салоҳияти намоён бўлиб боради. Булар тетапоя шеърлардан тортиб пишиқ-пухта назм ғунчаларини, расмкашлик намуналарини, ахлоқ-одоб, она юрт ва табиатга муҳаббат каби мавзуларни қамраб олган турли рукнлардаги материалларни ташкил этади.

Таъкидлаш жоиз: биргина "Билимдон" таҳририятига жорий йилнинг дастлабки беш ойи ичида республикамизнинг турли вилоятларидаги навқирон муштарийларимиздан 1255 та мактуб келди. Бу ҳам ижодий жамоанинг ўз ўқувчилари билан алоқаси, ҳамкорлиги тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Айни пайтда журналимиз саҳифаларини безашда ўз ижодий ишлари, мақолалари билан фаол қатнашаётган болалару ўсмирларнинг кўпчилиги "Янги авлод" ижодиёти фестивали ҳамда "Келажак овози" иқтидорли ёшлар танловининг ғолиб ва совриндорлари бўлишгани қувонарли ҳолдир.

Шу ўринда бош муҳаррир Муҳаммаджон Ҳожаев, таҳлилчи Нодир Юсупов, ижодий ходимларимиздан Гулчеҳра Юнусова, Муаззам Иброҳимова, дизайнер Сардор Қўшоқов, таржимон Музаффар Муҳаммадиев ва бошқаларнинг номларини ҳурмат билан тилга олиб, уларнинг юртимиз истиқболи эгаларининг баркамол бўлиб етишишига хизмати сингаётганини таъкидлаш лозим.

Ижодий жамоамиз изланишда давом этади. Бинобарин, нашрларимизнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак талаблар даражасига кўтарилиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимларини, заҳматкаш қалам аҳлини касб байрамлари билан чин дилдан қутлаймиз.

Барчангизга илҳом ва куч-қувват, тинчлик ва омонлик, хуш кайфият, мустақил она юртимизнинг янада равнақ топиб боришида ижодий ютуқлар ҳамиша йўлдош бўлсин.

"Билимдон", "Знайка" журналлари ва "Доно ворд" газетаси бирлашган таҳририятининг ижодий жамоаси

Мутал ҚОДИР ®















«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Замондошларимиз

Эзгулик улашмоқ бахти

Йўл қурмоқ савоб. Зеро, йўллар нафақат элларни элларга, балки дилларни дилларга боғловчи ришта ҳамдир. Шу маънода узоқни кўра билган юрт эгалари азалдан йўллар, кўприклар қурилишига алоҳида эътибор қаратишган.



Истиқлол йилларида мамлакатимизда йўл қурилиши соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, янги темир йўллар барпо этишга катта эътибор қаратилди. Ўтган йиллар мобайнида пойтахт Тошкентни вилоят марказлари билан боғловчи бир қатор янгиянги темир йўл тармоқлари ишга туширилди, муҳташам иншоотлар, кўркам ва замонавий темир йўл вокзаллари барпо этилди. Айни пайтда эса нафақат юртимизда, балки бутун минтақада янгилик бўлган юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар қатновини йўлга қўйиш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, соҳада эришилган ютуқлар салмоғи беқиёс. Бундай бунёдкорлик ишлари, албатта, соҳада фидокорона фаолият юритаётган меҳнат аҳлининг ўз касбларига меҳру муҳаббати, шижоати туфайлидир.

Ана шундай машаққатли ва шарафли касб соҳибларининг муносиб ҳордиқ чиқариб соғлиқларини тиклашлари ҳам доимий эътиборда. Хусусан, турли санаторий ва дам олиш уйларида уларнинг марокли дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийси ана шундай дам олиш масканларидан биридир.

Ҳар йили 700 нафардан зиёд темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари соғломлаштириладиган санаторийда барча шароитлар муҳайё этилган. Сиҳатгоҳдаги физиотерапия, уқалаш, игна билан даволаш, сауна, ингаляция, парафин, сув муолажалари, стоматология, гинекология, жисмоний тарбия, гиёҳ билан даволаш ва муолажа хоналари — ҳаммаси замонавий тиббий технологиялар билан тўла таъминланган. Малакали, ширинсўз шифокор ва ҳамширларнинг хизматидан дам олувчилар мамнун.

Сўлим ва баҳаво саломатлик масканига кириб бораверишданоқ руҳан ажиб енгилликни туясиз. Теварак атрофи мевали ва манзарали дарахтлардан иборат боғ, кўркам айвончалар дам олувчилар билан гавжум. Ҳар йилги анъанага кўра бу йил ҳам кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар экилибди.

— Бугун темир йўллар дунё мамлакатлари тараққиётининг ажралмас қисмига айланган, — дейди санаторий-профилакторий бош шифокори Тошпўлат Матибоев. — Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда янги транспорт коммуникацияларини, хусусан, темир йўллар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Тизимда фаолият юритаётган меҳнаткашларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш асосий вазифамиз. Бинобарин, яхши дам, мустаҳкам соғлиқ иш унумининг янада ошишига асос бўлади. Шу нуқтаи назардан сиҳатгоҳда соҳа ходимларига намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Темирйўлчиларнинг севимли шифо маскани йигирма йилдан буён соҳа ходимлари хизматида. Ўтган йиллар мобайнида муассаса ўз тарихини ажиб анъаналар билан бойитди. Минглаб темир йўл фидойилари саломатлигини тикладди. Шу кунгача 21 минг нафардан зиёд темирйўлчилар, темир йўл қурувчилари, институт, лицей ва коллеж профессор-ўқитувчилари, талабалар соғломлаштирилди. Улар айни кунларда соғлом шижоат, соғлом руҳ билан Ватанимиз истиқлолини, иқтисодий куч-қудратини мустаҳкамлашга, темир йўл транспорти тармоғини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Қай бир соҳада бўлмасин, ишни тўғри йўлга қўйишда раҳбар зиммасидаги масъулият ниҳоятда залворли. Бу масъулиятни адо этишда унга жамоа суянч ва таянч бўлиши эса оддий ҳақиқат. Зотан, раҳбар меҳнатини юзага чиқариш ҳар жиҳатдан жамоага боғлиқ. Шу боис Т.Матибоев, аввало, жамоа билан ишлашга алоҳида эътибор беради.

— Анчадан буён шу ерда ишлайман, — дейди шифокор Маҳбуба Мадраҳимова. — Амин бўлдимки, корхона ёки ташкилотнинг гуллаб-яшнаши, иш унумининг ошиши, ходимлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат бўлиши авваламбор, раҳбар саъй-ҳаракатига боғлиқ экан. Хизмат жойи, ишхона — иккинчи уй. Инсон умрининг асосий қисми шу ерда ўтади. Ишхонада соғлом муҳитни шакллантириш, ходимларни ўз оиласи аъзоларидек ардоқлаш, уларга жонкуяр бўлиш, кўп йиллик тажрибани ўртоқлашиш, билмаганларини ўргатиш, уларнинг ҳар бир фикри билан қизиқиш, ҳар бирига доим ҳурмат билан қараш — Тошпўлат аканинг одатий юмуши...

Аслида, бирор соҳа ёки касбнинг яхши-ёмони, фойдалию фойдасизи бўлмайди. Фақат ўз соҳасини мукаммал биладиган, у туфайли ўзгаларга наф келтирадиган, шундан обрў топганлар бўлади. Санаторий-профилакторий бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши ва Ижроия қўмитаси аъзоси, Миробод туман партия кенгаши раиси Тошпўлат Матибоев билан суҳбатлашиб иш фаолияти билан яқиндан танишганимда, хаёлимда ана шу фикрлар ўтди...

Меҳнат фаолиятини дастлаб Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида оддий фрезерчи (металларни силлиқловчи)ликдан бошлаган Тошпўлат акага шифокор бўлиш энг катта орзу эди. Орзулар рўёбининг илк пиллапояси — Самарқанд давлат тиббиёт институтидаги таҳсил чоғида бир зум бўлса-да, изланишдан тўхтамади. Пойтахтимиздаги 1-сон темир йўл касалхонасида жарроҳ сифатида иш бошлаган ёш йигит саккиз йиллик фаолияти давомида кўплаб мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажариб, беморларнинг оиласи бағрига соғайиб қайтишига ҳисса қўшди.

Темир йўл сил касалликлари шифохонасида бош шифокор бўлиб ишлаган даврида меҳнатсевар, ишлаб чарчамайдиган, билимдон, ҳаракатчан раҳбар сифатида кўпчиликнинг ишончини қозонди. «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийси бош шифокори этиб тайинланганида эса ўзига янада юксак ишонч билдирилаётганини чуқур англади.

— Бирор масъулиятли вазифани бажариш учун, аввало, шижоат ва қунт зарур, — деган эди отаси Болтабой ака. — Эсингдан чиқарма, ҳузурингга келган ҳеч бир киши ноумид қайтмасин. Қўлидан етаклаб бўлса-да, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қил. Ҳеч бўлмаганда маънан кўмак бер!

Орадан йиллар ўтди. Ота ўгитлари уни бирор сония ҳам тарк этмади. Одамларга ёрдам қўлини чўзди, кўнгилларга умид чироғи ёқди.

— Ўзида етарли билим ва кўникма бўлмаган инсон ўзгаларга ёрдам бера олмайди, — дейди суҳбатдошимиз.

Дарҳақиқат, илму урфон ҳар қайси даврда инсонга ҳамиша зийнат бўлган, эзгуликка ундаган. Тошпўлат ака Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти иқтисод факультетининг сиртқи бўлимини муваффақиятли тамомлади. Фан номзодлиги илмий ишини ҳимоя қилди.

Меҳнатнинг роҳати, ширин меваси мамнуният ила боқаётган нигоҳларда, изҳор этилаётган дил сўзларида акс этади. Миробод туманидаги «Сарикўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хурсандой Авазованинг фикрларидан шуни уқдик:

— Депутат — халқнинг ҳокимият бошқарувидаги вакили. Т.Матибоевга қачон, қандай масала билан мурожаат қилмайлик, ҳаммаси ижобий ечим топади. Мисол учун, ўтган йили маҳалламиз ҳудудидаги болалар майдончаси, футбол ва волейбол майдонларини таъмирлашда депутатимиз астойдил кўмаклашди. Сиҳатгоҳ раҳбари бўлгани учун аксарият фуқароларимиз соғлиғини яхшилашда ёрдам сўрайди. Масалан, яқинда Татьяна Мандро, Ўринбой Нишонбоев, Маҳмуд Алимжонов сингари фуқароларимиз бу сиҳатгоҳда дам олиб қайтишди.

Хайрли амаллар, савоб ишлар қилмоқлик — инсонийликнинг энг гўзал фазилатларидан. Шу маънода, депутат тумандаги қариялар ва ногиронлар ҳолидан тез-тез хабар олиб, моддий-маънавий ёрдамини аямаётир. Шу йил Наврўз байрамида маҳалладаги икки нафар ногиронга компьютер жамланмаси ҳадя қилинди. 100 ёшни қаршилаган Ойниса Қурбонова ва 102 ёшли Аванес Агажанларнинг ҳолидан доимо хабар олиб турилибди.

Қаҳрамонимизнинг меҳнатлари муносиб баҳоланган. Соҳадаги фидокорона хизматлари учун «Фахрий темирйўлчи» нишони билан тақдирланган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» ҳамда «Соғлиқни сақлаш аълочиси» каби қатор кўкрак нишонлари соҳиби.

Инсон ўз умрини хайрли ишларга сарфлаши бу — саодат. Эзгу амаллар унинг сурати ва сийратини гўзаллаштиради, деган эди донишмандлардан бири. Т.Матибоев эл ҳурматини қозонган ана шундай замондошларимиздан бири.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Hurriyat» мухбири

“Маърифатпарварлар” жамиятининг
Нарпай туман бўлими
жамоаси

мамлакатимизда нашр этилаётган
газета ва журналларда,
радио ва телевидениеда меҳнат қилаётган
ижодий ходимларни ва барча
оммавий ахборот воситалари
вакилларини касб байрами
билан чин қалбдан табриклайди.
Уларнинг сермашаққат ишига
ривож тилайди.



«Нукус транспорти»
бошқармаси жамоаси

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан барча журналистларни, матбуотчиларни қизғин табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ-саломатлик, бахту-саодат ва янги ижодий парвозлар тилайди.



Истиқлолнинг шонли 20 йиллик улуғ байрамини кутиб олаётган ватандошларимизнинг фидойилигини, меҳнатдаги жасоратларини ўткир сўз ила матбуот воситаларида ёритишда сиз азиз қалам аҳилларига тошқин илҳом ва куч-ғайрат ҳамроҳингиз бўлаверсин!





ТАБРИК

Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА» банк (ОАЖ)

сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

«ТАЪТИЛ-2011»

Сақланиш муддати — 18 ой.

Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

«КАФОЛАТЛИ-1» — АҚШ долларида

Сақланиш муддати — 18 ой.

Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун: «Асака» банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	225-16-46
Сергели филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Хизматлар лицензияланган.

Молия муассасаларида

ТАДБИРКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда қўлга киритилаётган иқтисодий ютуқларда банк-молия муассасаларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, ДТ "Халқ банки"нинг Андижон вилояти филиали ҳамда унинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун шу йилнинг 1 июнь ҳолатига 7848,8 миллион сўм маблағ ажратгани сўзимизнинг тасдиғидир. Ушбу сармоялардан 1078,0 миллион сўми саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, 1230,8 миллион сўми қишлоқ хўжалигини, 1763,5 миллион сўми савдо соҳасини, 1363,3 миллион сўми қурилиш соҳасини, 1852,3 миллион сўми маиший хизмат ва сервис соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди.

Мана шундай кредитлар эвазига бугун Андижонда янги-янги корхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Буни "Сарбон ҳамкор текстиль" хусусий корхонаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бу ерда банкнинг Хўжаобод филиали томонидан берилган 40 миллион сўм кредит ёрдамида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди. Энг асосийси, маҳаллий аҳоли учун 20 та иш ўрни яратилди.

Шунингдек, аҳолининг балиқ ва гўшт маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, мамлакатимизда балиқчиликни ривожлантириш мақсадида банкнинг Булоқбоши филиали томонидан "Исақ обод" фермер хўжалигига 9 миллион кредит ажратилди.

Қисқа қилиб айтганда, банкнинг вилоят филиали ва унинг барча бўлимларида бор эътибор тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга, бозорларимизни ички маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлашга эришишга ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири ®

САНЪАТКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Оролбўйида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ўзбек миллий кино санъати кунлари ўтказилди.

Ушбу санъат байрами доирасида 14 бадиий ва 13 ҳужжатли киноасар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Меҳнат жамоаларида, овул ва маҳаллаларда, ўқув юртларида бўлиб ўтган давра суҳбатлари ҳамда қизиқарли учрашувларда мустақиллик йилларида миллий кино санъатини изчил равнақ топтириш, унинг ўзига хос анъаналарини бойитиш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга йўналтирилган бадиий асарлар яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида сўз юритилди. Янги асарлар яратиш юзасидан киномухлисларнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди.

Айниқса, Ёдгор Саъдиев, Ражаб Адашев, Дилором Эгамбердиева, Асал Шодиева, Азиз Раметов каби санъаткорлар билан бўлиб ўтган учрашувлар кино ихлосмандлари хотирасида ўчмас из қолдирди.

— Энг улуғ ва энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 20 йиллиги олдидан ўтказилган бундай учрашувлар бизни томошабин билан янада яқинлаштиради, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Ражаб Адашев. — Қаерда бўлманг, одамларнинг қалби ва очиқ чеҳрасидаги қатъият, эртанги кунга ишонч, тинчликка шукроналикни ҳис қиласиз. Айниқса, Кегейли ва Чимбой туманларида киносеварлар билан учрашувлар жуда самимий руҳда ўтди. Ўйлайманки, бу беиз кетмайди ва бизни янада самарали ижод қилишга, одамларнинг эътиборини қозонадиган кинофильмлар яратишга ундайди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

«Маърифатпарварлар» жамиятининг Иштихон тумани бўлими жамоаси

юртимизда фаолият юритаётган барча журналистларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан қизғин муборакбод этади. Барча қалам ахли вакилларига мустаҳкам соғлиқ, юксак ижодий парвозлар тилайди. Азиз журналистлар, байрамингиз муборак бўлсин!



ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан қизғин табриклайди.

Уларга янгидан-янги ижодий зафарлар, хуш кайфият ва омад тилайди.



Тақдимот

Даҳрдан музтариб рух, меҳрдан тарс-тарс кангул...



Дард, безовталик, ҳар нарсани комил қиёфада кўришга интилиш, дағалликлардан озор чекиш — бу кўнгулнинг гўзалликка иштиёқмандлигидан, нозиклигидан, софлигидан нишона. Беҳудага шоирлар бир-бирларига энг тансиқ дунё яхшиликларидан бири сифатида дардни тиламайдилар...

«Канглу» ана шундай дард неъматидан боёд-шоёд, аммо ўзи хокисор «аҳли дард»лардан бири — Икром Отамуроддир.

— Қай манзил сафарига йўл олдинг, умид?

— Армонга...

— Бўлмаса, маниям бирга олиб кет!..

...

— Қай манзил сафарига йўл олдинг, армон?

— Умидга...

— Бўлмаса, маниям бирга олиб кет!..

Бу сўзлар Икром Отамурод ижодининг мағзи, моҳияти, мазмуни. Унинг «канглу»да маърифат нуридан ёнган бир чироқ борки, бу чироқнинг ёғи Меҳрдан, Субутдан, Ғурурдан, Яхшиликдан, Қадрдан, Ҳақиқдан иборат. Шунинг учун ҳам шоирнинг тили эмас, қалами эмас, қалби сўзлайди. Маърифат чироғидан ўз мабдаи илоҳийсига атаб достон битилади.

«Ёбондаги ёлғиз дарахт» достони ҳақида бундан тўрт йиллар муқаддам маҳаллий матбуот учун бир тақриз ёзган эдим. Шу тақризни ўқиб, ўйланиб қолдим: олов қадрини самандар билади. Мумтоз сўз қадрига ета олмасам, нима қилардим шоир достонини қўлга олиб? Эҳтимол, шунинг учундир шоир қалби изтиробла титраб турар:

Канглум,
сен кимдан ҳам кутасан малҳам,
Канглум,
сен кимдан ҳам нажот истайсан?!

Биргина ўзинг ўзингга ҳамдам,
Биргина ўзинг ўзингга сайсан.

Канглум,
ким ҳам сенинг ғамларингга кор,
Канглум,
ким ҳам сенинг доғларингга ён?!

Биргина ўзингга ўзинг изтирор,
Биргина ўзингга ўзинг бирри ён.

Достон — мўъжаз, аммо унда нақшланган дард катта. Худди шоир қалби сингари. Ҳозирги тезкор техника асрида кишилар тизимлар, бошқарувлар, турли-туман муносабатлар ҳақида баҳс юритиб турган бир пайтда шоир лаҳзалар эвазига бўлса-да, нигоҳни қаерлардадир ёлғизланиб қолган ёлғиз Меҳр, ёлғиз Ғурур, ёлғиз Ҳақликка қаратишга ҳаракат қилади.

«Ёбон чексиз» дея ўз фикрини шарҳига киришади шоир. Дунё ҳақидаги тафаккури чегараланган инсон буни ҳис эта олмайди. Чунки «чексизлик» тушунчаси фақат масофа ва вақт билан белгиланмайди. Биргина Меҳр номли ҳиссиётнинг ўзи қанчалик чексизликка дахлдор.

Ёбонда бир савобгар эккан ёлғиз дарахт тақдири анча машаққатли:

Лаби қувраб неча бор
жавзо келгандир, қақраб?!
Зам қилгандир неча бор
Қиличин қайраб ақраб?!

Аммо ўзи яратган тимсол моҳияти ҳақида шоир бошиданоқ очиқойдин сўзлайди:

...Тоқат танига пайвас,
вужудин силар сабр.
Бардошдан синиққан сас,
Қаноат тиккан қадр.

Ёбон — дунё тимсоли. Ёлғиз дарахт — шоир кўнгли. Дарахтнинг ёбондаги ҳолини баён этар экан, бевосита шоир дунёдан ҳамдард топа олмаган дардли кўнгиллар шарҳига киришади:

Тўкилсанг, ўзинг ўзингга тўкил,
Ўзинг тўкилган қайғунгга жома...

Сўкилсанг, ўзинг ўзингга сўкил,
Ўзинг сўкилган дилингни яма...

Кейинги сатрларда шоир тафаккурида фалсафий моҳият чуқурлаша боради. У энди кўнгил ганжинасидан ўзликни ахтаришга киришади. Навоийона фикрлайди: «Ўз вужудингга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен ўзунгдин истагил». Шоир ҳам шу мазмунни англатишга ҳаракат қилади:

Англасанг, ўзинг ўзингни англа,
Ўзинг топгил ўзингни фақат.

Шоир асосий муддаосини ҳам воқеалар баёни билан изҳор этади. Дарахтнинг шоир тилида достон бўлгулик фазилатлари кўп эди. «Ўзи меҳрга зору зор бўлган, жовдираб-жовдираб кўз тутган ёлғиз дарахт меҳрга тўла эди». Меҳр — дарахтнинг моҳияти эди, мазмуни эди. Ёбон эса унинг Ватани. Шоир энди ёбонни бевафо дунё эмас, балки жафокаш Ватан сифатида тасаввур этади.

Достоннинг дил васфига бағишланган қисми ҳам узвий равишда ўз дили билан якка қолган шахс ҳоли тасвиридан иборат. Меҳр тимсолига айланган дарахт бедил эмас. Унинг дили ҳам гоҳо борлиқ билан мусаллам, гоҳо сайр ичра, гоҳо зорликқа мустаҳиқ, гоҳо хайрла сарафроз. Ҳазрати Шайх Хожа Аҳрори Вали айтганларидек, инсон дили эгасиз бўлмас. Унда ё Ҳақ, ё ғайр бўлади. Ғайр кетса, Ҳақ қолади, Ҳақ кетса, ғайр қолади. «Туфроғи меҳрдан яралган, борлиғи меҳрдан яралган» дарахтнинг дили меҳр меҳвари эди.

Ёлғиз дарахт унган ёбон — Ватан тимсоли. Унга кимлар кўз тикмади, кимлар эгалик қилишга интилмади. Содда ёбон бирига сиғинди, бирига эътиқод қилди, бирига «оғам» деб оқибатли бўлди, «Бирига ишонди, имони бут деб... Бирига дил берди, яқинроқ борди, тутди яғир бўлиб кетган елкасин».

Ёбон қадрини унинг ўз бағрида ўниб-ўсган ёлғиз дарахт билади, уни жонидан ортиқ қадрлайди. «Ҳуббил ватани минал иймони», дея англатади муқаддас мерос. Ёбон — иймонлилар ватани, содда ёбон — заҳматкаш эл тимсоли. Ёбон қўйнидаги ёлғиз дарахт эса комиллик нишонаси, фазилатли инсон тимсоли. Унинг узоқ-узоқларга сояси етар:

Ёлғиз дарахт —
саховатнинг адл қояси,
Ёлғиз дарахт —
тимсоли мурувватнинг ҳам.

Аммо бу меҳр меҳвари даҳр ситамларидан эмин эмас, гоҳ сел келади ёбонга тошиб-тошиб, файзи унга етмайди; гоҳ атрофида гирилаб айланар тўзон ютоқиб-ютоқиб.

Бу шоирни яна мушоҳадага чорлайди. Дунё ўтар экан, унда Меҳрга бағрин очган ситам ютар экан, Субут йитар экан, ғурур йитар экан, қадр йитар экан. Нега? Бу саволларга жавоб изламоқ мушкул, топмоқ янада мушкул.

Дунё фақат ёруғликдан иборат эмас-да. Кундузни яратган тунни ҳам яратди.

Тун воситаси ила кундузни имтиҳон этди. Ёбондаги ёлғиз дарахт шундай бир имтиҳон ашёсига айланди. Уни эрмак учун Жаҳолат ёқди. Дунёни ғамга ботириб, томоша учун ёлғиз дарахтни борлиғи нафсга қул бўлган бир ўтгувчи ёқиб юборди.

Меҳр кўп кўргуздим,
аммо меҳрибоне топмадим,
Жон басе қилдим
фидо оромижоне топмадим...

Ўша ўтгучи меҳр бошқариб турган барча Яхшиликларни аёвсиз ёқди. Меҳрнинг қиёфаси эди у дарахт, меҳрнинг вужуди эди. Шунинг учун шоир Меҳрни соғинганда унга қараб чопади...

Аммо энди дарахт жим, япроқлар шивирин туш кўрар... Меҳр кўргузиб, топа олмаганлар, кўнгиллари бешафқат ўтларда куйганлар шоирларга айланармикан? Диёнатни дунёдан қизғаниб, хиёнат яратилганми?

Совуқ илжаяди дайди хиёнат —
нигоҳида фириб семирган,
Оташда жингиртоб диёнат —
МЕҲР бериб,
Оғу симирган.

Ёбондаги ёлғиз дарахт — бу ҳассос шоирнинг руҳи. Шоирнинг ўзи эса ёлғиз руҳдан иборат. У фикрини англатиш учун восита излайди, тимсоллар яратади. Ёбон — дунё, ёлғиз дарахт — камолотга интилган инсон; ёбон — ватан, ёлғиз дарахт — уни севган иймон эгаси; ёбон — эл, ёлғиз дарахт — унинг қадрини билган ёлғиз элпарвар ва ниҳоят, ёбон — вужуд, ёлғиз дарахт — шоирнинг безовта, беором руҳи. Фақат ҳассос шоиргина ўз руҳи қиёфасини сўз билан бўлсада, чиза олади, кўрсата олади.

Достон Ватанга, меҳрга, вафога, яхшиликка садоқат оҳанглари билан тугайди. Энди шоир яратган чирқираган бир қушча МЕҲР тимсолига айланади. У Ватани бўлмиш ёбондаги ёлғиз дарахтдан ҳосил бўлган кул тепасида буюк Навоий достонидаги қақнусбача мисоли учиб-қўнади. Шоирнинг куйган кўнгли култепасида умид, поклик, беғуборлик, меҳрдан иборат ҳаёт нишонаси пайдо бўлади. Албатта, диалектика қонунияти исбот талаб этмайди, яхшилик жаҳолатдан устун бўлади.

Ёбон чексиз...

Шоир руҳи изтироблари янада чексиз...

Шеърият ва тафаккур шайдосининг тахайюл ҳайратлари ундан-да чексиз...

Дилором САЛОҲИЙ,
филология фанлари доктори,
профессор

АТБ «Турон банк»
жамоаси

барча қалам аҳлини
27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин юракдан табриклайди.
Ҳақиқат, адолат ва холислик ҳамиша иш фаолиятингизнинг мезони бўлсин!

Машаққатли, айни пайтда баҳоят шарафли ишларингизга ривож тилаймиз.



Жиззах вилоят ҳудудий
"Қишлоқхўжаликкимё" ОАЖ
Дўстлик туман филиали жамоаси

мамлакатимиздаги барча журналистларни ҳамда ОАВ ходимларини касб байрами билан самимий қутлайди. Уларга соғлик-омонлик, хотиржамлик, ижодий парвозлар тилайди.



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47;
факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТАРАННУМ

«Ватан учун яшайлик» танловига

Юракка қадалган байроқ

«Яхши одам аттор-нинг дўконидай гап», дейишади. Яъни, аттор-нинг дўконига пулсиз ҳолда кириб, ҳеч нарса харид қила олмасангиз ҳам хушбўй ҳидлардан баҳра олиб, ҳузур қилиб чиқасиз. Яхши одамларнинг суҳбати ҳам жонингизни, дилин-гизни оролантиради. Сурхондарё вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош ши-фокори ўринбосари Жамила Ҳайитованинг суҳбатлари ҳам шун-дай: пурмаъно, дилбар. Айниқса, Ватан ҳақида сўз кетганда, бу суҳбат тугамаса, у киши сўзлайверса, мен тинг-лайверсам, дейсиз. Опадан эшитганларим-ни сизга илиндим.

***

...Бир замонлар Термиз шаҳри бўйича дарё порти би-лан темир йўл вокзали ора-сида қатновчи биттагина ав-тобус бўлар эди. Кейинроқ автобуслар сони, йўналишла-ри кўпайиб, 1-, 2-, 3-, 4-ав-тобуслар пайдо бўлди. Яқин-яқинларгача қарийб 100 минг киши яшайдиган шаҳар аҳолисига бор-йўғи шу тўрт йўналиш бўйича хизмат қили-нарди. Истиқлол шарофати-дан автомобилларнинг ҳамма тури ўзимизнинг Ўзбекистон-да ишлаб чиқарилаяпти. У куни қарасам, шаҳар кўчала-рида яна битта янги — 360-маршрут юрибди. Худди ўзим 360 та машина олгандай су-юниб кетдим. Йўловчилар-нинг мушкули осонлашгани-ни кўриб, Оллоҳга беадад шу-курлар айтдим.

***

Бизнинг соҳада бўлган ўзгаришларни айтмайсизми? Истиқлолга эришганимиздан бери шундай шифохоналар қурилдики, нақ меҳмонхона дейсиз. Минг илминг, яхши сўзинг бўлгани билан, беморга шароит ҳам керак-да. Яхши шароит шифокорга ҳам керак. Истиқлолдан сўнг қурилган қишлоқ врачлик пунктлари, улардаги замонавий тиббий ускуналар қишлоқ шифокорларининг тушига ҳам кирмаган.

Андижондан биринчи машиналар чиқа бошлагач, «Дамас»ни кўриб, «Тез ёрдам»да ишлатса бўлар экан, деган орзуни кўнгилдан ўтказган эдик. Оллоҳга шукур, вило-ятда шундай янги машина берилмаган бирон шифохо-на қолмади. Қилаётган ишингдан кўнглинг тўлиб, завқ-шавқ билан ишлайди-ган замонлар келди. Бутун дунё молиявий инқирозни бошдан ўтказаётган бир даврда юртимиздаги инсон учун, унинг бахт ва саломат-лиги учун шундай фидойи-ликлар қилаётган Президен-тимизга қанча ташаккурлар айтсак, оз.

***

Ризқ-насиба сабаб бўлиб, кўплаб юртларни кездим. Ху-сусан, 1987 йили француз ти-лини ўрганиш мақсадида тур-муш ўртоғим билан 7 ой Москвада бўлдик. Бу азим шаҳарда туриб, Ўзбекистонни, Термизни соғинар эдик. Ким-дир «Ўзбекистон» деса, исми-мизни айтиб чақираётгандек ортимизга бурилиб қарардик.

Кейин уч йил Жазоирда ишладик. Биз яшайдиган ша-ҳарча шундайгина Ўрта Ер денгизининг соҳилида жой-лашганди. Биз учун нотаниш бўлган гўзал, бетакрор ман-заралар, яхши маош, ҳурмат-эътиборимиз жойида бўлиши-га қарамай, Ватан, ота юрт, фарзандлар соғинчи бир зум тинчлик бермасди. Ҳамиша маъюсланиб, ўйчан юришим-ни кўриб, санкт-петербурглик ҳамкасабам мени уришарди:

— Атрофга қарасанг-чи, бу гўзалликлардан сен ҳам одамларга ўхшаб завқ ол. Ахир, бундай экзотика қаер-да бор?

Мен унга:

— Қанийди, сенга Ўзбекис-тоннинг сурати чизилган юра-гимни очиб кўрсатишнинг иложи бўлса эди. Юрагимда-ги экзотикани кўргач, манави томошаларга қизиқмай қўяр-мидинг? — дердим.

***

Термиз жуда иссиқ ша-ҳар, аммо унинг иссиқлиги бизга унча билинавермайди. Бошқа шаҳарларда бўлганим-да қаерданлигимни эшитган баъзи суҳбатдошлар: «Ўҳ-ҳу, Термизданмисиз?! Термиз — азиз авлиёлар юрти», дейи-шади. Чиндан ҳам қадимшу-нос француз профессори «Ҳамма шаҳарларга самодан қуёш нур таратиб турса, Тер-мизга ҳам кўкдан, ҳам ер ос-тидан — унда ётган юзлаб ав-лиёлар нур таратиб туради», деб ёзганларини ўқиганман.

Оллоҳга шукур, Ватанимиз истиқлолга эришиб, ўша кўрк, ободлик, улуғлик шаҳримиз-га яна қайтиб келди.

Яқинда Термизда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинларидан телекўрсатувлар берган журналистларнинг «Термиз гуллар шаҳри экан» деганларини эшитиб қанча суюнганимни тасаввур қил-сангиз эди...

***

Кейинги 10-15 йил ичида Термиз улкан қурилиш май-донига айланди. Ўтказилаёт-ган хайрли тадбирлар баҳона қанча муҳташам иншоотлар қад ростлади. Археология му-зейи, университет, Меҳри-бонлик уйи, Бахт уйи, 10 минг кишилик спорт мажмуаси, қанча шифохоналар, қанча лицей ва коллежлар, маъму-рий бинолар...

Ҳар сафар янги бино қуриб битказилгач, албатта, Юртбо-шимизнинг ўзлари келиб, кўриб кетадилар. Қурилган ҳар бир иншоотни синчиклаб назардан ўтказадилар, кўнгиллари тўлсагина халқ болаларига раво кўрадилар. Камчиликлари бўлса, янада кўркам, чидамли бўлиши учун маслаҳатлар берадилар. Қачон келсалар, елкадор, ба-қувват ўғлонларимизни кўриб чин юракдан суюнадилар. Ас-лида, Ватанни севишни, Ва-тан учун яшашни, Ватанга чин садоқат билан хизмат қилиш-ни ҳурматли Президентимиз-дан ўрганишимиз керак!

***

Кеча оқшом жияним кел-ди. Бир дўсти бетоб бўлиб, шифохонага тушиб қолган экан. «Сиз ҳам бир кўриб қўйинг», деди. Биз касалхо-надан чиққанда, аллақачон борлиқ тун пардасини ёпиниб олган эди. Аммо тунги Тер-миз!..

— Машинангни тўхтат! — беҳосдан қичқириб юбордим жиянимга.



— Тинчликми? — ҳайрон бўлиб машинасини тўхтатди у.

Ёнимизда Бахт уйи, унинг ортида Меҳрибонлик уйи, қар-шисида университет ловуллаб турган чироқлар ичида шун-дай фусункор, маҳобатли бўлиб кўринар эдики, бу гўзаллик олдида қувонч ва ҳайратдан юракларим ёрилиб кетгудек бўларди. Бу иншоот-лар битган кунлари ҳам ке-либ, томоша қилиб кетган эдим, аммо уларнинг тунги нафосати янада жозибали, мафтункор эди.

— Худди янги уй олгандай су-юнасиз-а, — жилмайди жияним.

— Ҳа, бу менинг уйим, — дедим. — Термиз менинг уйим, сенинг ҳам уйинг.

— Албатта, — дарров ха-тосини тузатди у. — Тунда Термиз янада гўзаллашади, келинг, сизни бир шаҳар ай-лантирай.

Биз узоқ айландик, аммо юрт жамолига ҳеч тўймадим.

***

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўз туғи, туғросига эга бўлгач, кўнглимда бир орзу пайдо бўлди: Бир ба-ланд, чиройли уй қурсак, унинг пештоқига Ватан бай-роғини илсак!..

Уйни қурдик, қўш қаватли, ҳамма шароитлари бор. Аммо уй битгач, бир уйга, бир та-ваввуримдаги байроққа қара-дим. Кўзимга байроқ жуда чи-ройли кўринди, бу уй мен учун қанча қадрли бўлса ҳам муаззам Ватан тимсоли бўлган азиз байроқни шу кам-тарин уйимнинг пештоқига қўйишдан иймандим. Ўйлаб-ўйлаб, Ватан байроғини унинг меҳри-муҳаббати билан тўла юрагимга қададим. Юрагим яшнаб кетди.

***

Шу гурунгдан кейин қачон опага қарасам, кўксида ҳилпираб турган Ватан байроғини кўргандай бўлаве-раман.

Жамила ЭРГАШЕВА,
ёзувчи

«Маърифатпарварлар» жамиятининг Нуробод тумани бўлими жамоаси

озод юртимиздаги барча қалам аҳли ва матбаа ходимларини касб байрами билан самимий муборакбод этади.

Халқимизни холис ва тўлақонли ахборот билан таъминлаш каби шарафли, аммо масъулиятли вазифасида хизмат қилаётган ижод аҳлига ҳамиша омад ва куч-қувват тилайди.



«МАСТОНА»
акциядорлик жамияти жамоаси

юртимиз довруғини, бағри кенг, саховатли халқимиз қадриятларини жаҳонга танитаётган ва халқимизни янгиликлар билан доимий бохабар қилаётган оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, ижодларига баркамоллик, оилаларига хотиржамлик ва файзу барака тилайди!



Байрамингиз муборак!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ **ПОЧТА АЛОҚАСИ** хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАЪНАВИЯТ

Бир асар тарихи

“Биринчи бўса” қандай яратилганди?

Шу йилнинг 14 апрель куни эрталабданоқ телефоним кетма-кет жиринглай бошлади. Қўнғироқ қилувчиларнинг гапи битта: “Даракчи” сизнинг “Биринчи бўса” пьесангизни Абдулла Қаҳҳорга нисбат бериб ёзибди». Уларга “Ёзса ёзибди-да, хато кимдан ўтмайди” дея совуққонлик билан жавоб бердим. Лекин кейин бўлмади, дўстлардан бири куюниб: “Сизни-ку қўяверайлик, аммо Абдулла Қаҳҳордек улуғ ва машҳур адибимизнинг ижодини билмаган журналист 150500 нафар газетхонни ҳам чалғитаяпти-ку, инсоф билан айтганда, айбдорлар телефон қилиб, бунинг учун узр сўрашлари керак эди” деди.

— Балки энди телефон қилиб қолишар, — дедим мен ҳам шайтонга ҳай бериб. Аммо кўнглим тинчимади. У ёқ, бу ёққа қўнғироқ қилдим.

Орадан кўп ўтмай мазкур газетанинг кейинги — 16-сонида тузатиш берилди...

Шу воқеа сабаб асар ҳақида уйғонган таассуротларимни газетхонларга илиндим. “Биринчи бўса” спектаклининг тарихи узун. Бундан 40 йил муқаддам “Тошкент ҳақиқати” газетасида “Муҳаббат арафасида” деб номланган ҳикоям босилиб чиққан эди. Бир гуруҳ ҳозирги Ўзбек давлат драма театри ижодкорлари — Эргаш Масафоев, Тўғон Режаметов, Ширин Азизова, Фарҳод Аминов, Муҳаммаджон Аҳмедов, Турдибек Содиқов, Исамат Эргашев, Доно Бобохоновалар ҳикоям билан танишиб чиқишибди. Бир овоздан шу ҳикоя асосида лирик драма ёзиб беришимни илтимос қилишди, ўз ижодий талқинлари билан ўртоқлашишди. Театр ижодий жамоасининг ишончидан журъатланиб, мен бу таклифни бажонидил қабул қилдим ва тез орада пьеса устидаги ижодий ишни бошлаб юбордим.

Ўша йилнинг кузида пьесанинг биринчи вариантини театрга топширдим. У “Биллур садоси” деб аталарди. Театр бадиий кенгаши томонидан унинг муҳокамаси ўтказилди, турли фикрлар билдирилди, айтилган камчиликлар бартараф этилгач, театрда саҳналаштириш мумкин ва лозим деган қарорга келинди. Мен асар устидаги ишни давом эттириб, иккинчи вариантни ёздим. Энди асарнинг ўзи ҳам, номи ҳам ўзгарган эди: “Биринчи бўса”. Бу лирик драма шу театр саҳнасида тўрт йил давомида 500 марта намойиш қилиниб, ундаги бош ролларни ёш актёрлар Мурод Ражабов билан Малика Иброҳимова муттасил ижро этишди. Шу тариқа, “Муҳаббат арафасида” ҳикояси каминанинг драматургия жанрига ҳам кириб келишига ижодий омил ва туртки бўлди.

Ўшанда яхши эслайман, шоир акаларимиздан бири “этак” сўзи ўрнига “бар” сўзи ишлатилиши кераклигини айтганди. Аслида ҳам мен театрга тақдим этган пьесада: “Роҳат, кутсам кутиб юраверараман, шекилли. Мен ҳам сенга ўхшаб биттасининг баридан маҳкам ушламасам, қари қиз бўлиб қоладиганга ўхшайман”, деб ёзилган эди. Лекин Маликанинг “Бар” деганда биз, ёшлар тамаддихона, кичик ресторан, майхонани тушунамиз. Бу сўзни бошқасига алмаштириб беринг”, деган илтимосига кўра “бар”ни “этак” билан алмаштиргандим. Аслида эса эркаклар кийимлари — тўн, чопон ва чакмоннинг тиззадан пастки қисми бар дейилади, аёллар кўйлаги ва мурсагининг пастки қисми эса этак. Хуллас, шу-шу бўлди-ю, ўзим тайёр деб ҳисоблаган пьесаларим матнига режиссёр, актёр ва актрисаларнинг фикри бўйича ўринсиз ўзгартиришлар киритмайдиган бўлдим.

Тўғри, ҳар бир пьесанинг муаллиф варианти ва театр варианти бўлиши мумкин. Битта пьеса ўнта театрда ўн хил ҳажмда ва ўн хил талқинда қўйилади. Масалан, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” асари ҳозирги Миллий театрда ўзгача, Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд театрида бошқача қўйилган, ҳажми ҳам турлича эди. Хулоса шуки, театр ҳам, саҳна асарларининг яратилиши ҳам ўзига хос сир-синоатга эга.

Ҳаёт ва ижод йўлимда кўп яхши одамларни учратганман. “Даракчи” газетасидаги воқеа боис сиз билан мусоҳабага сабаб бўлган “Биринчи бўса” асарим ўша яхши одамларни, ёшлигимни, яқинларимни эслатиб, муҳаббат арафасини ёдга солиб, ўзимни эса ёшартириб туради. Шунинг учун ҳам у мен учун ниҳоятда азиз.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, драматург

Ёши улуғ ота-боболаримизнинг айтишларича, бир замонлар одамлар иккита қотган нон, икки қисим жийда, агар топилса бир ҳовуч майиз билан тўй қилишган экан. Бугун эса ўзбекнинг ҳар бир куни тўй-томошасиз ўтмайди. Шукркким, бу хилдаги маросимларга борсангиз элимизнинг дастурхони тўкислигига, асалдан тортиб новвотгача борлигига гувоҳ бўламиз. Бу осойишта-фаровон, тўкин-сочин ҳаётимиздан нишона. Қолаверса, мустақил Ўзбекистонимизда инсонлар бахтли яшаётганидан далолат эмасми? Бунинг эса қадрига етишимиз керак.

Бунисига нима дейсиз?

“Куёв ош емади”

Бугун халқимиз орасида айрим кишилар ўзлари ўйлаб топган турли “одатлари” билан тўйлар қилишаётгани ҳақида кўп ёзишмоқда. Шундай бўлиши табиий. Чунки қовун-қовундан ранг олади, деганларидай баъзи учарларга эргашиб, кўплаб юртдошларимиз йиллаб пешона тери эвазига топган пулини бир кунлик тўй дабдабалари учун сарфлашмоқда.

Сўзимиз қуруқ бўлиб қолмаслиги учун бир мисолни келтириб ўтаман. Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятининг айрим қишлоқларида ҳам «куёв ош емади» удуми бор. Унга кўра, келиннинг уйига куёв навкарига борган йигитлар бор овозлари билан «куёв ош емади», деб бақиришлари лозим. Шунда келин томондан кимдир бирор бир совға бериб куёвга ош едиради. Акс ҳолда, қуруқ қўл билан қайтишлари ҳеч гап эмас. Яқинда чекка қишлоқларнинг бирида ушбу удумнинг қандай ўтказилиши устидан чиқдим. Ўзларининг бақир-чақирлари бутун қишлоққа эшитилганидан хурсанд бўлган куёв жўралар борган жойларидан камида телевизор билан DVD плеер олиб келинишига ишонишарди. Буни қарангки, уларнинг таъбини билмаган шўрлик қайнота қўлида «Мадонна» гилам билан хонага кириб келди. Буни кўрган куёв жўралардан бири «ота, шунча бақирганимизга битта гиламми?», деса бўладими?

Бу ҳам етмаганидек, айрим ҳолларда куёвлар қайноталарига уялмай ўз истакларини айтишгача боришаётгани таажжубланарли. Ўша куни маҳалла оқсоқоли шундай йигитлардан нолиб қолди:

— Совуқ қиш кунларининг бири эди, — деб гап бошлади у. — Эрта тонгда қўшнимиз Холида опа уйимизга чиқибди. Яқиндагина қиз узатиб елкаларини босиб турган тоғдан халос бўлган қўшнимизнинг кайфияти тушкун эди. Аввалига унинг бу ҳолатини тўйнинг ташвишларидан чарчаган бўлса керак, деб ўйладим. Аммо унинг ҳаловатсизликларига бошқа сабаб бордек туюлди. Шу ҳақда ўйлаб тургандим, Холида опанинг ўзи сўз очди:

— Қўшни, бир илтимос билан чиққандим, — деди у маъюс оҳангда. — Иложи бўлса, озгина қарз бериб турсангиз. Кеча қизим келиб кетганди. Ўзидан қолар гап йўқ. Янги келиннинг ота-онаси ҳар байрамда қудасиникига совға-салом юбориши керак. “Янги йилда куёвингизга пальто билан телпак олиб берасиз”, деб келибди бечора қизим. Шунга пулимиз етмайроқ турибди.

Дарҳақиқат, халқимизнинг байрамлари кўп. Янги орзулар, янги марралар сари элтувчи, инсонларга хушнудлик улашувчи бу тантаналарнинг ташрифи, афсуски, кимлар учундир ҳозиргидек ташвиш туғдирмоқда. Ҳар байрам арафасида янг и куёв эса виждони қийналмай қайнотасининг пуллари эвазига «нималикдир» бўлиб қолишдан, қайнона эса келининикидан келган қўш-қўш саватлар билан қўни-қўшнига мақтанишдан уялишмаяпти. Энг ачинарлиси, куёв бўлган айрим йигитлар дўстлари даврасида оғиз кўпиртириб мақтанишни ор билмаяптилар. Шундайлардан бирининг айтишича, эгнидаги Туркиянинг қиммат костюм-шимини аёлининг ота-онаси ҳайитлик сифатида «инъом» этган эмиш.

Шу ўринда қизларга ҳам айтар сўзимиз бор: азиз қизларжон! Сизларга яхши маълумки, ота-она ўз фарзанди учун ҳар нарсага тайёр. Сизнинг бахтингиз, кувончингиз учун ҳар қандай қийинчилик чикора уларга. Бироқ бу ҳар байрамда тоғора-тоғора ош, бошдан оёқ кийимкечак, фарзанд суюнчисига замонавий сервант ҳадя қилинг, дегани эмас. Зеро, шуни билингки, сиздан кейин ҳам уйланадиган акангиз, турмушга берадиган синглингиз бор. Уларни уйли-жойли қилиш ота-она зиммасида. Шундай экан, келинг, сизнинг уйингизга қўшни келинникидан кўра камроқ сават борсин. Камтарликка интилинг. Ҳайитликка телевизор айтиш ўрнига турмуш ўртоғингиз билан бахтли ҳаёт кечириш ҳақида ўйланг. Байрамда яхши тилак, эзгу истакнинг ўзи ҳам бебаҳо совға.

Аслида оила учун зарур бўлган ашёлар эру хотиннинг меҳнат қилиб топган пуллари эвазига сотиб олинса, таассуротлари бошқача бўлади.

Агар оила яхшилик, эзгулик каби хислатлар устига бунёд этилса, жамият ҳам, мамлакат ҳам, фаровон ва нурли бўлади. Икки ёшнинг бахтли турмушидан кўзланган мақсади турли ҳою ҳаваслар эвазига қандайдир буюмлар орттириш эмаску.

Баҳодир МЎМИНОВ,
журналист

“ҚЎҚОН ЁҒ-МОЙ”
акциядорлик жамияти жамоаси

жаннатмонанд диёримизнинг гуллаб-яшнаши, халқимизни мамлакатимиз ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлар билан бохабар этиб бораётган оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий табриклайди. Барчаларига мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига тинчлик ва хотиржамлик, дастурхонларига файзу барака, эзгу ишларида омад тилайди.



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Обод масканлар



Навбатдаги иш куним поёнига етгач, Алишер Навоий номидаги опера ва балет академик катта театри ёнидаги одамлар билан гавжум майдон томон юрдим. Шу пайт ёқимли ва таниш мусиқа садолари қулоғимга чалинди. Сеҳрли оҳанг оғушида манзилга яқинлашганим сайин куй авжланар, унга фавворанинг майин жилваси қўшилиб, ажиб манзара ҳосил қиларди...

Фаввора тўлқинларининг мусиқа, турли ранглар билан уйғунлашиб жилоланиши кундалик юмушлардан, саратон тафтидан толиқишдан сўнг ҳордиқ чиқариш ниятида бу ерга ташриф буюрган ҳамшаҳарларнинг қалбларига ажиб ҳузур бағишлайди. Бундай лаҳзаларда барча дилхираликларни унутиб, бокира орзулар ҳақида ўйлагинг келади. Шу сабаб фаввора ёнидан бефарқ ўтиб бўлмайди. Ташвишлари бўйидан баланд инсон ҳам фаввора ёнидан ўтаётиб, бир зум оёқ илишга мажбур бўлади.

— Фаввора ўтган йили «Тошкент фаввораси» давлат унитар корхонаси томонидан Италия технологияси асосида такомиллаштирилгач, мустақиллик байрами тантаналари арафасида фойдаланишга топширилган эди, — дейди фаввора ҳудуди бошлиғи Саидлазиз Муродов. — Компьютерлаштирилган, мусиқа, ранглар жилоси билан бойитилган янги фаввора аввалгисига қўшимча жозиба, шукуҳ бахш этмоқда. Сув мусиқа маромига монанд етти хил рангда товланади ва етти хил ўзгаришда тўлқинланади. Соат ўн саккиздан ярим тунгача Тошкент аҳли ва меҳмонларнинг қалбига қувонч улашиб келаяпмиз. Мусиқали ва камалак жилоли мазкур фаввора ҳозирча юртимизда ягона.

Дарҳақиқат, пойтахтимизда сайилгоҳлар яна биттага кўпайди, десак, муболаға бўлмайди. Негаки, ҳар оқшом бу ерга ўнлаб, юзлаб одамлар ҳордиқ чиқариш учун келишяпти. Айниқса, болажонларнинг шодон ўйнаб-кулишлари, беғубор қувончини кўриб, кўнглингиз бахтга тўлади. Келин-куёвларнинг сайр қилиб юришларидан қалбингиз беихтиёр орзиқиб кетади. Ҳатто ажнабий сайёҳлар ҳам азим пойтахт бағридаги бу мўъжизани узоқ томоша қилиб, юртимиз, юртдошларимиз ҳақидаги илиқ таассуротларини бойитишмоқда...

Фаввора узра қалдирғочлар бу манзарадан, мусиқа оҳангидан маст бўлгандек ғужғон ўйнашади. Улар ушбу гўзалликка ўз улушларини шу тахлит қўшмоқчидек гўё.

Мўъжизавий маскандан истамайгина узоқлашарканман, кўнглимдан шундай ҳислар ўтди: «Тинч ва фаровон дилбар диёрда умргузаронлик қилаётган инсонларнинг қалблари ҳам, фусункор фаввора каби осмонга ўрлаётган орзулари ҳам ана шундай дилбар бўлади!»

Фозил ФАРҲОД ўғли

Футбол

ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

Хабарингиз бор, шу кунларда Мексикада ўсмирлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Эътиборли томони, нуфузли мусобақада иштирок этаётган йигирма тўртта мамлакат терма жамоалари қаторида ўзбекистонлик ёш футболчилар ҳам бор. Вакилларимиз ушбу турнирда "D" гуруҳида Янги Зеландия, Чехия ва АҚШ жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун баҳс олиб боришмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатидаги дастлабки учрашувини 19 июнь куни Янги Зеландияга қарши ўтказди. Ўйин ҳақида фикр билдирадиган бўлсак, футболчиларимиз дастлабки дақиқалардан бошлаб ташаббусни қўлга олишга ҳаракат қилишди. Илк хавфли вазият ҳам вакилларимиз томонидан содир этилди. Аммо, афсуски, биринчи бўлиб гол уриш рақибларимизга насиб этди.

Беллашувнинг 10-дақиқасида Ўзбекистон терма жамоасининг ҳимоя чизиғида юзага келган пала-партишликдан Стефан Кармичел самарали фойдаланиб, ўйинда ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг Алексей Евстафеев шогирдлари кетма-кет икки марта ўта хавфли вазиятни юзага келтиришди. Бироқ бу имкониятлардан ўсмирларимиз фойдалана олишмади. Учрашувнинг 35-дақиқасига келиб эса футболнинг ёзилмаган "сен урмасанг, сенга уришади" қоидаси амалда яна исботини топди. Бу сафар ҳам ўша Стефан Кармичел катта саҳнага чиқиб, Ғанишер Холмуродов қўриқлаётган дарвозани ишғол қилишни уддалади.

Дарвозамиздан иккинчи тўпни олиб чиққан вакилларимиз энди ортга йўл йўқлигини тушунишди, шекилли, бор имкониятларини ишга солиб ҳужум ташкил этишга зўр беришди. Ана шундай ҳужумлардан бири Ўзбекистон терма жамоаси учун омадли якунланди. Майдон марказидан етказиб берилган тўпни ҳужумчимиз Темур Ҳакимов тўхтатмасдан рақиб дарвозасига йўллади. Айтиш жоизки, зарба жуда чиройли ва аниқ чиқди.

Иккинчи бўлимда ҳам терма жамоамиз аъзолари вазиятни ўнглаш учун қўлларидан келганча ҳаракат қилдилар. Лекин ўйинда устунликка эга бўлган ўсмирларимиз бошқа тўп кирита олишмади. Аксинча, Янги зеландияликлар футболчиларимизнинг ҳимоядаги қўпол хатоларидан унумли фойдаланиб, яна иккита гол уришга муваффақ бўлдилар.

Шу тариқа Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси жаҳон чемпионатидаги дастлабки учрашувни 1:4 ҳисобидаги мағлубият билан бошлади.

Ушбу муваффақиятсизликка ҳар ким турлича фикр билдирмоқда. Кимдир ўйинчилардан қониқмаганини айтса, яна биров мураббийни айблаётир. Аслида эса, бу мағлубиятдан унчалик катта фожиа ясамаслик зарур. Чунки бундай нуфузли турнирларда қатнашишнинг ўзи катта ютуқ. Агар жаҳон биринчилигида қатнашаётган терма жамоаларга эътибор берадиган бўлсак, МДҲ мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистон терма жамоаси борлигига гувоҳ бўламиз. Бу юртимизда футболни ривожлантиришда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг катта самарасидир.

Умид қиламизки, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳдаги кейинги учрашувлар — АҚШ ва Чехия жамоаларига қарши беллашувларда мухлисларни хушнуд этади. Ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, кейинги босқичга йўл олишади.

Эслатиб ўтамиз, йигитларимиз кейинги ўйинда АҚШ терма жамоасига қарши майдонга тушади. Учрашув 23 июнь куни Тошкент вақти билан 01^{00} да бошланади.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Она табиатни асрайлик

Жақандақ — Чотқол марвариди



Тошкент вилоятининг Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари бағридаги сўлим гўша — Янгиобод қўрғонини аксарият юртдошларимиз яхши билишади. Бу жойлар дам олиш мавсумида келган меҳмонларни хушманзара табиати, ширин суви, меҳмондўст халқи билан хушнуд этади. Ёши улуғларнинг таъкидлашича, Янгиобод қўрғонидаги Жақандақ булоғи сувидан ичган кишининг тани соғ, руҳи тетик бўларкан, турли сурункали касалликларига даво экан. Эсимда, момоларимиз баданига яра тошган болаларни ана шу булоқ сувида чўмилтиришарди. Ёз чилласида ҳам суви муздек, тиниқ ва хуштаъм бу булокда чўмилганлар сира шамолламайди.

Биз Янгиободнинг ўзига хос табиати, шифобахш суви билан (дўконларда "Шаффоф" ёрлиғи билан сотилаётган маъданли сувнинг таркибида ана шу чашмалар суви бор) қанча фахрлансак арзийди. Бироқ сайёҳлар, айрим ҳамшаҳарларимиз сўлим гўшада турли чиқиндилар уюмини пайдо бўлишига ҳиссасини қўшаётгани барчамизнинг дилимизни хира қилади. Сойга елим шишалар, турли бўшаган қутилар, консерва банкалари ташлаб кетадилар. Меҳмонларнинг бундай масъулиятсиз хатти-ҳаракатлари кишини ўйлантиради. Ҳар икки қадамда тошлар орасида гулханлар қолдиғи, ярми ёқилган шохшаббалар, қоғозлар, латталар ва ҳоказо чиқиндилар шифобахш сувга қўшилиб оқаётгани эса аянчли. Бу сой сувидан кета-кетгунча неча-неча қишлоқ аҳли истеъмол қилади, чорвалари ва экинларини суғоради, ахир! Бир қултум сув, бир ҳовуч ҳавога ташна одамлар Ер куррасида озмунчами? Табиатнинг сўлим гўшаларидан баҳра олиб, уларни келгуси авлодларга ҳам тўкис етказайлик!

— Илгари бу сойлардан йил ўн икки ой сув ичардик, ҳозир фойдаланишга қўрқамиз. Сабаби, турли чиқиндилар оқими кишини ўйлантириб қўяди, — дейди "Дукент" сойининг бўйларида яшайдиган нуроний онахон Рухсора Эргашева. — Наҳотки, одамларнинг бу ишни қилишга виждони йўл қўйса? Аввалари катталар ҳатто сувга яқин жойга ахлат ташлашга йўл қўйишмаган. Сувни пок тутишган. Ҳозиргидек артезиан қудуқлар у вақтда бўлмаган. Жилғалардан, булоқлардан от-уловда сув ташиб ичардик. Ахир, сувсиз ҳаёт йўқ. Биз ҳамиша ардоқлайдиган Жақандақ сувининг ҳар томчисини кўзга суртсак арзийди.

Агар дам олувчилар дам олиш кунларини, меҳнат таътилини табиат қўйнида ўтказишни хуш кўришса, табиий муҳит ҳолатига: атроф-муҳит ифлосланганми ёки асл ҳолида сақланганлигига бефарқ бўлмасликлари керак. Афсуски, ҳозирда "инсон оёғи етмаган" жойларни топиш жуда ҳам қийин бўлиб қолди. Ваҳоланки, табиатда ўзини тутиш қоидалари жуда ҳам содда ва унга оқилона, аниқроғи виждонан муносабатда бўлиш талаб қилинади. Она табиатимизнинг ҳар қарич ерини, ўсимлик ва ҳайвонот оламини асраш ўрнига, унга кушандалик қилаверсак, охири вой бўлишини биламиз, бунинг азобини тортиб турибмиз ҳам. Жаҳонда иқлимнинг глобал ўзгаришларидан манфаат топган бирорта мамлакат йўқ. Суғурта компанияларининг баҳолашига кўра, иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ табиий фалокатлардан иқтисодий йўқотишлар йилига 90 миллиард АҚШ долларига етган. Келажакда ана шундай ўзгаришлар янада жиддий оқибатлари билан инсониятга жуда катта таҳдид солмоқда. Бу жараённи ҳозир секинлатиш имконияти бор. Ичимлик сувига ташна мамлакатлар сони тобора ортиб бораётган пайтда она табиат неъматларига муносабатимизни ўзгартирсак шуни ўзи етарли. Бизнинг ҳар бир салбий ҳаракатимиз ортида улкан йўқотишлар туришини қалбдан ҳис этсак, кифоя. Келинг, жаннатмакон гўшаларимизни, улардаги ноёб набототот ва ҳайвонот оламини кўз қорачиғидек асрайлик. Ичимлик сувини тежайлик. Шаҳар ва қишлоқларимизни бўстонга айлантирадиган асосий манба ҳам обиҳаётдир. Яшиллик оламининг озуқаси ҳам сув. Шундай экан, сувга чиқинди ташлашдан, уни исроф қилишдан сақланайлик!

Нигора ШОФАЙЗИЕВА

КОРПОРАЦИЯДА
ЯНГИ ОПЦИЯЛАР!
«КОРПОРАЦИЯ» ТАРИФ РЕЖАЛАРИ
Энди «Корпорация Профи» тарифида 100 тадан SMS, MMS ва Мб
«Корпорация VIP» тарифида эса тармоқ ичида чексиз мулоқот
ва 300 тадан SMS, MMS ва Мб
Абонент тўлови эса ўзгаришсиз.
МТС бир қадам олдинда
Хизматлар лицензияланган



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11
Андижон —	8-374-250-90-39
Бухоро —	8-365-592-85-02
Самарқанд —	8-366-233-62-12
Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Фарғона —	8-373-215-80-58
Хоразм —	8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азимжон РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21^{00}
Топширилди — 20^{30}

® — тижорат белгиси.

Адади: 8230 Буюртма — Г-626 12 45